O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOBALATASI
INV.№

Миллий Тиклониш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 7 июл | 21 (151)- сон

ТАРИХ, МАЪНАВИЯТ ВА ФИДОЙИ ИНСОН

ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАМИЯТИМИЗГА ТАРИХИМИЗ, МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА:

Биринчи концепция:

ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРНИ БИЛМАСДАН ТУРИБ, МАЪНАВИЯТНИ ТИКЛАБ БЎЛМАЙДИ

Ислом Каримов 1998 йил 1 июлда ТВ орқали намойиш этилган тарихчи олимлар, ТВ ходимлари билан суҳбатида Ўзбекистон тарихини ўрганиш, янгидан яратиш, абадул абадга уни халқнинг маданий мулкига айлантириш борасида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Президент фикрларини таклиф ва мулоҳаза тарақасида айтган ва баён қилган бўлса ҳам, улар моҳияти ва қамрови, теранлигига кўра концепция характери ва қувватига эга бўлди. Президент ўз муҳокамалари давомида жуда кўп саволларни ўртага қўйди. Саволларининг замирида ҳам концептуал фикр барқ урарди.

Бу фикрлар, ғоялар, саволларнинг бари жамиятни фикрлаш тадқиқотлар олиб бориш, барча ишларимизда тадқиқотчилик руҳини уйғотиш ва устивор этишга ундайди.

Ҳар қандай юксак тоғ чўққиси жуда узоқлардан бошланади. Жомолунгма ҳам, Хонтангри ҳам, Химолай ҳам ер тагидан бирдан тик кўтарилиб чиқмайди. Тарих бинобарин атом қўзиқорини эмас.

Замон шарҳлари

Туркистон — икки дунё бешиги, деган туркий тил шоирларнинг гўзал ҳикмати бор. Бу фикрни янада шоиронароқ қилиб, Туркистон икки дарё бешигидир, деб давом эттириш ҳам мумкин. Чиндан бу бешикни икки дарёнинг ўзи яратган ва азал-азаллардан шу икки дарё тебратади бу қутлуғ муборак заминни. Шоирона пайровни яна шоирнинг ўзига суяниб ривожлантирадиган бўлсак, Туркистонни нега икки дунёнинг эшиги деб атамайлик. Ростдан ҳам, машриқу мағрибга, Жануб ва Шимол Қутблари томон очилган, ўтадиган ЭШИК, дарвоза, қопқа эмасми, бу азал маданият маконлари?

Қадим Шарқ муаррихларининг қўллари билан чизилган, тасаввурлари билан манзара ҳолига келган илк ибтидоий, лекин ўта қимматли хариталар — жўғрофий, тарихий маконларнинг чизмаларига қараб ўтиришни болаликдан севардим. Шу хариталардан тарихлар, халқлар, уларнинг бемисл ҳаракатлари — кўчишлари ва сокин бўлишлари, яна кўчишлари ва яна сокин бўлишлари сирларини ўйлаб, бу ҳаракатларни яхлит, бир бутун, мисоли мағзи йўқ данак деб тасаввур данак қилардим. Ё бу ҳеч бир инсоннинг тасаввурига сиғмайдиган бепоён, ҳудудсиз, бемакон бир ҳодисамикин?

Ўша аждодлар қўллари билан чизилган дунёнинг илк хариталарига тикилиб ўтириб, илк тасаввурларимиз уйғонган эди оламнинг равиш-рафтори ҳақида. Мана, ҳозир муҳтарам Президент Ислом Каримов тарих ва дунё цивилизациялари тўғрисида бадиҳатан ўз янги концепциялари ва концепцияларини ифода қилувчи ғоялари, саволларини ифодалаб бераётган чоғда, тарихий илдизларимиз ва умуман, гносеология масалаларига бефарқ бўлмаган кишиларнинг бағрига, юрагига улар оловли чўғ каби тўкилаётганда, ёндираётган, жазиллатаётган, қиздираётганда, бир тасаввур-образ хаёлда гавдаланди. Тўғрироғи, тасаввур образ шаклини ола бошлади.

...Бир мислсиз улкан қуш икки буюк дарё оралиғида кўкрагини шу икки дарё орасига қўйиб тургандек, унинг жуда фусункор боши Орол оша сирли Турон текисликлари узра мағрур қад кўтаргандек, поёнсиз қудратли қанотлари эса Машриқ ва Мағриб заминлар узра парвозга талпиниб тургандек. Тушунаяпсизми?

Бу халқлар қушининг кўкси, кўкраги, юраги ҳамиша шу икки дарё оралиғида— Турону Хоразм, Бухорою Самарқанд, Фарғонаю Термиз, Шошу Илоқ устида бўлган. Шу бешик узра турган бу қушнинг юраги! Уни турли бало-офатлардан, йўқ бўлиб кетишлардан сақлаган, ҳимоя қилган бу қушнинг юраги! Етти қуш — битта қуш! Юз, миллион қуш — битта қўш! Яна андак шоирона тасаввурга эрк бериб айтсак, шу қушнинг тухумидан эмасмикин Гилгамиш достонлари, шу қушнинг тухумидан эмасмикин Одиссей ва Илиада, шу қушнинг тухумидан эмасмикин Алпомишлар, Овастолар?

Мағзига қаранг бу кишилик достонларининг! Қанчалар туғишган, биродар улар! Алпомиш, Гилгамиш қаҳрамонлари, Одиссей, Зардўшт худди бир бешикдан чиққан, бир бешикда ўсган, куч олган, олижаноб фазилатлар орттирган бир бешикнинг фарзандларидай! Кўп ўхшашликлар ва яқинликлар кўраман улар атвору аломатларида! Чексиз ўзига хосликлар кўраман уларда. Лекин бу ўзига хосликлар уларни бир-бирларидан узоқлаштирмай, жудо қилмай, яқинлаштириб бирлаштириб, қариндошчилик иплари билан боғлаб туради уларни! Шоирона тасаввурлар тагидан неча минг йилларнинг ҳақиқатлари бўй кўрсатса не ажаб!

Тарих ҳақиқатни қидирмаса, нимани қидиради. Тарих ҳақида ўйлаганда, тарихларни бўйлаганда, ўзимиздан назаримиз кенг ва нигоҳимиз теранми деб сўрайлик. Назар ва нигоҳ кенг-теран бўлиши мумкин. Лекин довюраклик-чи?

Президент сўраяпти:

— ҚАНИ БИЗНИНГ ДОВЮРАК ТАРИХЧИЛАРИМИЗ? УЛАР БОРМИ?

Тарихнинг теран илдизларини топиш ва шу илдизлар баайни бизнинг илдизларимиз эканлигини илмий исботлаб бермоқлик учун илмдан ташқари ҳа, довюраклик ҳам керак! Бусиз янги тарихимизни муносиб тарзда яратиш қийин.

ПРЕЗИДЕНТ АЙТГАНИДЕК, ОВАСТО БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ ЭМАСМИ? ХОРАЗМ МАДАНИЯТИ БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ ЭМАСМИ? ҚАДИМ ТУРКИЙ ТИЛ ТОШБИТИКЛАР БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ ЭМАСМИ? АЛПОМИШНИ ЗАРРА-ЗАРРА ЎРГАНСАК, УНДА ЭМАСМИ БИЗНИНГ ИЗДИЗИМИЗ? АЛП ЭР ТЎНГА — АФРОСИЁБ БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ ЭМАСМИ?

Кимларгадир ёқиш учун собиқ замон тарихчилари овисто маданиятидан юз ўгирмадиларми? Афросиёб маданиятидан юз ўгирмадиларми? Уларни «афсона» деб эълон қилмадиларми?

Афросиёб ер юзида илк шаҳарларни қурган тарихий сиймо. Афсона эмас. Санъат ва маданиятларни ўз замонасида юксак даражага кўтарган сиймо. Афсона эмас.

Афросиёб шаҳарлар қурди улуғ маконларда деган қадим тарихчиларнинг қимматли маълумотлари олдидан бу худди арзимаган бир гапдай ўтиб кетаверган биз эмасмидик? Шаҳарлар қуриш — цивилизациялар маконларини яратиш демакдир. Нега биз Афросиёб цивилизациясини теран ва ҳар томонлама ўрганмадик. Асл манбалар ҳамон варақланганича йўқ? Ўзимизни шунчалар камситамизми?

Ўз қаддимизни тузукроқ кўтариш учун лоақал Геродотни синчиклароқ ўқиганмидик? Геродот ўз «Тарих»ининг тўртинчи китобида «Осиё одамларининг кўплиги ва буюк бойликларнинг оқиб ётиши билан гуллаган эди» деб гап бошлайди. Унинг скифлар, массагетлар ва икки дарё оралиғидаги бошқа халқлар ҳақидаги ҳикояларини диққат билан ўқийлик-чи, қайси бир гаплари, қайси бир санаган фазилатлар, хусусиятларга бугун ўзимизни бегона деб биламиз? Гарчи орадан неча минг йилликлар ўтган бўлса-да? Геродот скифларнинг ерларида биринчи туғилган одамнинг номи Тарғитой бўлганлигидан хабар беради. Тарғитой, Тарбўғатой, Тарағай сингари энг кўҳна туркий сўзлар орасида қанча масофа ётади? Улуғбек Муҳаммад Тарағай деб номлангани бежиз бўлмаса керак? Туркийлар ва жумладан ўзбеклар жуда қадим-қадимлардан аждодларнинг номларини фарзанддан фарзандга қўйиб сақлаб келадилар.

Геродот яна скифлар билан массагетларнинг кийим-бошлари, урф-одатлари, феъл-атворларидаги ўхшашликлардан ҳам дарак бериб ўтади. Биз илдизларимизни қидирганда, бундай бебаҳо маълумотларга жуда диққат билан қулоқ солишимиз, уларни бошқа тарихчиларнинг маълумотлари билан солиштириб кўришимиз керак бўлади. Шунда халқлар ва миллатларнинг вужудга келиши мислсиз буюк ва мислсиз мураккаб жараёнларда содир бўлганлигини тан олишимизга тўғри келади.

Президент Ислом Каримов сулолаларнинг тўйини эмас, улар қолдирган тенгсиз, такрорланмас маданий меросни ўрганиш, шу мерос устида фикр юритиш, хулосалар чиқаришга даъват этади. Унинг:

— Азалда ким бўлган? Азалда ким бўлганмиз? Цивилизациялар ўзларидан нималар қолдирганлар? — деган саволи илм-фандан, илм-фан бўлганда ҳам, илғор, кучли, ишончли концепцияларга таянадиган илм фандан жавоблар кутади.

— Қани, менга тушунтириб беринг! — деб сўрамоқда Президент. У ўз тарихини билган халқ енгилмас бўлади, деган ғояни илгари сурмоқда. Тушунтиришнинг ҳозирги илм-фан учун, айниқса, тарих ҳамда фалсафа учун қанчалар муҳим эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ТОЖИКИСТОН КУНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Юртимизда бир ҳафта давомида катта шодиёна — Тожикистон Республикаси кунлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирнинг асрлар оша давом этиб келаётган ўзбек-тожик қардошлигининг янги, ўз истиқлолига эришган даврида ўтказилиши ҳам мазмун ва моҳиятан икки халқ дўстлик ришталари янада мустаҳкамланаётгани самараси бўлди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, икки тилда сўлашувчи бир халқнинг тўй-маъракаси, урф-одати бир. Буни инкор этиб бўлмайди. Энг муҳими, халқларимизнинг ниятлари эзгу ва муштаракдир.

Икки давлат ўртасида «Маданият ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги Битимга мувофиқ диёримизда Тожикистон кунлари ўтказилгани ўзаро дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамловчи, тарихимиз, маданиятимиз, умуман, меросимиз муштараклигини тасдиқловчи ва халқларимиз орзиқиб кутган воқеа бўлди. Меҳмонлар республикамиз пойтахтидан ташқари Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида бўлиб, тарихий ёдгорликлар, меъморчилик обидалари билан танишдилар. Ишлаб чиқариш жамоаларида, дала меҳнаткашлари ҳузурида учрашувлар ўтказдилар. Бундай учрашувлар чоғида икки халқ куй ва қўшиқлари, рақслари бир-бирига уланиб кетди.

«Туркистон» саройида юртимизда Тожикистон Республикаси кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев ва Тожикистон Республикаси маданият вазири Бобохон Маҳмадов мазкур тадбирнинг аҳамияти тўғрисида фикр билдириб, у халқларимиз ўзаро дўстлигини янада мустаҳкамлашини таъкидлашди. Ўзбекистонда Тожикистон кунлари ўзбек-тожик маданий ҳаётида янги саҳифалар очиши билан алоҳида ўрин тутишини қайд этиб, бу учрашувни ташкил қилишда икки мамлакат президентлари ташаббуси катта аҳамиятга эга эканлигини уқтирдилар. Дарҳақиқат, бу кунлар давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг самараси бўлиб, у абадий дўстлигимиз учун мустаҳкам замин яратади.

Кечада Ўзбекистон ва Тожикистон санъаткорлари ижросида катта дўстлик концерти намойиш этилди.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

* * *

Тожикистонлик меҳмонлар Тошкент аэропортида анъанавий карнай-сурнай садолари остида кузатиб қўйилди. Меҳмонлар билан хайрлашгани маданият, санъат, адабиёт намоёндалари, театр арбоблари, жамоатчилик вакиллари чиқди. Дўстона гурунг давомида иккала халқ вакиллари тез орада яна дийдор кўришишга умид билдирдилар. Маросимда Ўзбекистон маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Тожиддин Мардонов иштирок этди.

(ЎзА)

Бир чимдим нафосат

КЎНГИЛ НЕ ДЕЙДИ?

Муҳаббат недур?
Юраклар туғёни унда,
Қалбларнинг титроғи унда,
Кумушлар армони унда,
Мажнуннинг фиғони унда,
Муҳаббат шундайдир, эй воҳ,
Шоҳни қул қилиб,
зоғни булбул қилади ногоҳ!
Садоқат недур?
Чин дўстинг ишончи унда,
Оламнинг қувончи унда,
Оналарнинг аянчи унда,
Муҳаббат таянчдир унга,
Садоқат шундайдир, эй воҳ,
Ёрига вафодор инсон учун бу,
садоқатга шерик бўлган
дилдор учун бу!
Адолат недур?
Юртнинг ишонган тоғи,
Иймоннинг гуллатган боғи,
Асллар қалбнинг ардоғи,
Бечоранинг юрак қадоғи,
Адолат шундайдирки, бизларда доим,
сабрнинг илдизин кутиб
яшагай!
Диёнат недур?
Динимнинг илдизи унда,
Қалбимнинг зўр сўзи унда,
Халқимнинг юлдузи унда,
Кечамнинг кундузи унда,
Диёнат шундайдирки,
бизлардан доим,
юлдузларни кундузлар кутиб
яшагай!
Хиёнат недур?
Нафс билан ўйнашгай
инсон,
Инсон ила ўйнайди шайтон,
Ютса агар шайтони лаин,
Одам ҳирс томон, юрмоғи
тайин
Хиёнат шундайдирки,
бизлардан доим,
иймоннинг ҳидини кутиб
яшагай!

УСТОЗ НАФАСИ

Зулфия Исроиловага

Майсага шудринглар аста бош қўйиб,
Бу оппоқ тонг яна кимни кутмоқда?
Мана шу тонг ичра мен сизни кўрдим
Ҳар сатрингиз дилни силаб ўтмоқда.

Қўлда китобингиз варақлаб аста,
Шу азиз Ватанга меҳрим туяман.
Ҳавас-у, орзулар кўнгилни ўртар
Сиз юрган йўлларга қадам қўяман.

Сўзларингиз менга уқдирар гўё,
Сеники шу Ватан, шу мовий осмон!
Устозлар қуйлаган она Ватанга
Сен ҳам жисму жонинг айлагин қурбон!

Зулфия АБДУЛЛОҲ қизи

Мусаввир Ортиқали Қозоқов бугунги ўзбек тасвирий санъатининг кўзга кўринган, етук намоёндаларидан биридир. Унинг асарлари ўзига хослиги, қайтариқлардан ҳолилиги, янгиликка бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис аллақачонлар чет эллик санъат шайдолари орасида ҳам маълум ва машҳур бўлиб кетган.

«ТАХТИРАВОН» ШУҲРАТИ

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни савобли бир ишга қўл урди. Ортиқали яратган асарлардан 86 тасини саралаб, ўз муассислигида албом-рисола кўринишида нашрдан чиқарди. Бу ишга халқаро «Ўзприватбанк» ва Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлиги ҳам ҳомий сифатида ҳисса қўшди.

Рисола-албом муқовасидан рассомнинг кўпчиликка манзур «Тахтиравон»и ўрин олган. Ички саҳифалардаги асарлари эса мазмунан ва матиқан бир-бирини тўлдирадиган тартибда берилган. Ора-орада таниқли мўйқалам соҳиблари, санъатшунослар, адиблар ҳамда журналистларнинг Ортиқали Қозоқов ижодий фаолиятига ва асарлари таҳлилига бағишланган мақолалари ўзбек ва инглиз тилларида эълон қилингани нур устига нур бўлган. Жумладан, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Баҳодир Жалолов Ортиқали ўз дунёқарашига эга истеъдод соҳиби эканлигини жўяли далиллар асосида исботлашга интилса, таниқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуров «Эркинликларнинг ҳайрати», севимли шоирамиз Ойдин Ҳожиева «Ўзбекона шодликлар» мақолаларида рассом маҳоратига самимий ва холис баҳо берадилар. Лайло Каримова, Темур Убайдулло, Гулчеҳра Умарова, Ўлжабой Қаршиев, Адиба Ғойибова, Абдунаби Ҳайдаров, Ғафур Шермуҳаммадлар эса Ортиқали ижодининг турли қирралари ҳақида фикр юритадилар.

Рисола-албом 16 босма табоқ ҳажмида, 6 минг нусхада нашр этилган. Уни рассом Музаффар Аъламов нозик дид билан безаган.

Шу йил 10 июл куни Ўзбекистон Бадиий Академиясида Ортиқали Қозоқовнинг ана шу янги монографик рисола-албоминнинг тақдимот маросими бўлади. Сўнгра Академиянинг марказий кўргазмалар залида рассом асарлари намойиш этилади.

А. ҲАЙДАРОВ

«АЛПОМИШ» ТЎЛА НАШР ЭТИЛМОҚДА

«Алпомиш» достони халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишини фолклорга хос юксак бадиий буёқларда тасвирлаган ва шу орқали миллат ифтихорига айланган улкан эпосдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси унинг яратилганлигини нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилиб, кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш имкониятини яратди. Шундай тадбирлардан бири достон матнларини нашр этиш билан боғликдир.

Маълумки, «Алпомиш» достони 1922 йилдан бери ўттиздан ортиқ ўзбек халқ бахшиларидан қирққа яқин вариантларда ёзиб олинган. Уларнинг ичида энг мукаммали, бадиий жиҳатдан энг юксаги атоқли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли вариантидир. Бу вариант машҳур фолклор тўпловчи Маҳмуд Зарифов томонидан 1928 йилнинг ёзида Булунғур тумани Лойқа қишлоғида шоирнинг айтиб туриши орқали улкан ўзбек олими Ҳоди Зариф раҳбарлигида ёзиб олинган эди. Шундан бери достон у ёки бу даражадаги қисқартишлар билан нашр этилиб келинган бўлсада, унинг тўла нашрини амалга оширишга имкон бўлмади. Бунга турли-туман ғоявий тазйиқлар йўл бермади. Бугунги кунда бизнинг озод, мустақил ривожланишимизнинг порлоқ самараларидан бири бундай тазйиқларга барҳам берилиши, адабий-маданий, жумладан, фолклор меросини янгича ўрганилишида кенг имкониятлар яратилиши бўлди. Ана шундай имконият туфайли «Алпомиш» достони биринчи марта тўла ҳолида босмага тайёрланди.

Шу кунларда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни достонни тўла ҳолида нашр этишга киришди. У юксак, энг замонавий полиграфик ижрода амалга оширилмоқда. Бу ишга концерннинг энг билимдон, юқори малакали ижодий ходимлари жалб этилган. «Алпомиш» нашри билан боғлиқ барча ишларни атоқли ношир, концерннинг бош директори, тарих фанлар номзоди Ислом Шоғуломов шахсан ўз назорати остига олган. Яқин ойларда китобхонлар қўлига етиши мўлжалланаётган бу китоб Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллигига муносиб совғадир. Шунингдек, концернда достонни рус тилида нашр этишга ҳам киришилди.

«Алпомиш» достонининг бошқа бахшилар вариантлари матнлари устида ҳам илмий-текстологик ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Пўлкан шоир ва Бекмурод Жўрабой ўғли вариантларини «Ёзувчи» нашриёти эса, Берди бахши ва Саидмурод Паноҳ ўғли вариантларини алоҳида-алоҳида китоблар тарзида нашр этишни режалаштирди. Шунингдек, достонни рус тилида қисқартирилган — баён тарзида, ундан олинган айрим парчаларни компакт-диск ҳолида нашр этиш, достон ҳақида бадиий албом тайёрлаш ишлари ҳам кўзда тутилганки, буларнинг бари маданиятимиз ривожида ўзига хос муҳим воқеалар бўлиши шубҳасиздир.

Тўра МИРЗАЕВ

ЖИНЎЧОҚДА ЙЎҚОЛГАН ВЕРТОЛЁТ

25 июнда Қирғизистон — Хитой чегаралари атрофида Россия чегара қўшинларига тегишли вертолёт йўқолган эди. Якшанба куни вертолёт Жинўчоқ довони яқинида топилди. Бу Бишкекдан 460 километр шарқроқдадир. Маҳаллий ҳокимият маъмурларининг хабар беришларича, вертолётдаги 20 кишининг ҳаммаси ҳалок бўлган. Улардан 4 таси экипаж аъзолари, қолган 16 киши қирғиз энергетикларидир. Вертолёт электр узатгичларини назорат қилиб юрган эди. Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

ЛЕБЕДНИНГ АҚШДА АЙТГАНЛАРИ

Александр Лебед АҚШда қисқа муддатли расмий сафарда бўлиб, Нью-Йоркда матбуот конференцияси ўтказди. У чунончи, Красноярск ўлкасида умумий аҳвол яхшиланганда кейингина 2000-йилда Россияда ўтадиган президент сайловларида ўз номзодини қўйиш-қўймасликни ўйлаб кўражагини маълум қилди. Лебед яна Россиянинг яхлит ва бутун ҳолида қолишига тарафдор эканлигини айтиб, мустақил Сибир республикасини тузиш ҳақидаги шов-шувларга беъмани бир нарса сифатида қўшилмаслигини билдирди.

РОССИЯДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛДИ

Шанба куни Россия маъмурлари Жанубий Корея дипломатини жосусликда айблаб чиқариб юбордилар.

Чо Со У деган дипломат (Москвадаги Жанубий Корея элчихонаси маслаҳатчиси) Россиядаги алоқачиси (Россия Ташқи Ишлар вазирлигининг ходими) билан учрашган чоғида қўлга олинган эди.

Жанубий Корея шу муносабат билан таассуф билдирди ва Сеулдан бир ёки бир неча Россия дипломати чиқариб юборилиши мумкинлигини маълум қилди.

Бир ўқ атрофида айланар дунё

АҚШДАН БОШПАНА ТОПДИ

Эрон Ислом инқилобий гвардияси собиқ саркардасининг ўғлига АҚШдан бошпана берилди. Аҳмад Резоининг Ғарб ахборот агентликларига берган баёнотига қараганда, унинг отаси ҳамон юқори лавозимида ишлаб келмоқда. Аҳмад Резои тинч ва хотиржам яшаш учун Эрондан қочишга мажбур бўлганлигини айтди. Резоининг фикрича, Эроннинг ҳозирги бошлиқлари ҳам, худди илгарилари каби мамлакат бойликларини талон-тарож қилиш билан шуғулланмоқдалар.

КОБУЛ ЎҚҚА ТУТИЛМОҚДА

Толибларга мухолиф кучларнинг қўшинлари Кобул тайёрагоҳини ўққа тутдилар. Аэропорт яқинидаги бир масжид вайрон бўлган. Уч киши, жумладан, болалар яраланганлар. Толиблар билан мухолифат бирлашган ҳарбий кучларининг ораларидаги масофа Кобулнинг шимолида 30 кмни ташкил этади.

Кузатув — мушоҳада

ҲАЁТНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ КИМ ЯРАТАДИ?

«МЕН НИМА ҚИЛЯПМАН?»

Ойнаи жаҳоннинг «Акс садо» кўрсатувида Янги бозор туманига қарашли лицей ўқувчи-ёшлари билан берилаётган суҳбатда экология мавзусида баҳслар қизғин эди. Бир ватанпарвар ўсмирнинг жонли фикрлаши диққатимни тортди: «экологияни сақлаб қолиш учун нима қилиш керак деб эмас, «мен нима қиляпман?» — деб ҳар ким ўзига савол бериши лозим», — деди ва бу саволга аввало ўзи жавоб берди. Шу қизча ўтқизган тераклар ўз атрофини ҳалоллаб, тоза ҳаво улашиб турибди. Фойдали сўзлар фойдали ишларга эга бўлсагина экологиямизга бир япроқчалик наф етади. Лекин шу нуқтада мен бошқа бир нарсани ўйлаб қолдим. Ҳадисларда агарчи кишиларга фойданг тегмаса, зарарингг ҳам тегмасин дейилади.

Айни пайтда эса экологияни янада издан чиқаришда «жонбозлик» кўрсатаётганлар талайгина. Улар ҳам ана шу саволни ўзларига бериб кўрсалару охир-оқибатда бу сўроққа ҳеч бўлмаса, «мен берилажак зарарнинг олдини олиб қолдим» дея олсалар, баҳарна эди. Умуман олганда эса, кишилар ўз ҳаётининг ҳар бир куни, амалиёти, муомаламуносабатида, «мен нима қиляпман?» — деб турсалар, турмушнинг тузи-тоти бошқачароқ бўлармиди?

БЎШ ВАҚТНИНГ ЭГАСИ

— Бўш вақтингизда нима қиласиз? — сўради бир дўстим.

— Бўш вақтимда ишлайман, — дедим кулимсираб.

Ҳаммага таниш, лекин кўпчиликка ўзи нотаниш ифода. Беихтиёр отамнинг сўзлари хаёлимга келади: «Болам, бўш вақт ўликда бўлади. Ишдан қўлинг ечилса, бўшадим дема, ақл ўрган. Жуда бўлмаса ҳозиргина қўлингдан чиққан ишни кузат, унга кайф (завқ) қил. Қўлинг тебранмаса, ақлинг тебраниб турсин, ўтирган жойингда ишлаб ўтир. Ҳаётни одамларни билганча бил, оқни қорадан ажратишга ўрган. Теварак-атрофга қара. Ақлли киши кимнинг кимлигини бир назарда фарқлайди, оғзини очмай туриб ўпкасидан хабар олади-қўяди, бу синчковлиги, фаросати ўткирлигидан, одамнинг ичини ўқий билишлигидан.

Ҳар кимнинг оёғи қоқилса, суяйдиган ақли бўлсин. Сенга айтсам, ақлсиз одам биров текислаб берган йўлда ҳам тойғониб йиқилаверади. Яхши ҳам яхшини дейди, ёмон ҳам. Ҳаргиз дўстни донодан қидирадилар, нодонни эса ўзингга душман ҳам қилма. Кишига ҳеч ким, шайтон ҳам нодончилик зарар беролмайди. Ҳамма ишларингнинг бошида ақлни қўй, ҳатто ўйнаб-кулсанг ҳам. Ҳар бир нарсанинг ақлли ва ақлсиз тарафи бўлади, унинг ақлли тарафида юрган ютади. Кўпинча одам-одамнинг билак кучидан, мавқеидан, шайтон эса ким бўлсада ақлидан қўрқади, чунки ақлнинг қила олмайдиган иши йўқ.

Шайтон кишиларнинг бўш вақтини қидиради, шунинг учун бўш вақтнинг эгаси шайтондир. Тўғри, ҳамма нарсани ўрганиб етишнинг иложи йўқ, минг йил яшаб, тинмай ақл ўргансанг ҳам, ҳаётни сен ўрганмаган жиҳатида муштдай боладан панд еб қўйишинг ҳеч гап эмас.

Ақл тубсиз, шунинг учун чўпни кўрсанг, ҳоли кўрма, балки шу чўпда сен билмаган бир ҳикмат бордир. Дунё, ҳаёт илмининг четига чиқиб бўлмайди, бугун ундай, эртага бундай... Ишқилиб, фарзандинг бўйига қараб онаси, ақлига қараб отаси қувонади, болам...»

ГИЗЛИ ДУНЁ

Ривоятлар, ҳикматли сўзлар тилдан тилга ўтиб мангу умргузаронлик қилаверади. Хоразм томонларда қадимдан бир гап юради: «Хоразмни ё сув олади, ё ўт». Қаердан, нимадан чиққан бу гап? МЎғул босқинлари даврини қаромат қилганмикинлар? Чайқалиб ётган поёнсиз денгиздан бир урвоқ қолган лайтларни кўзлаб айтганмикинлар? Башоратларнинг гизли дунёси барибир одамни хавотирга солиб ўйлатади. Сув аллақачон устдан бўлмаса, остдан ерни ҳам, биноларни ҳам, ризқу насибамизни ҳам анча ишғол қилиб қўйган. Орол, афсуски, оёқларимиз остида, шунинг учун аксинча фаолият юргизмоқда. Қуритмоқни ўз қуриши билан тенг олиб бормоқда. Ер ости зах сувлари ер сатҳига яқинлашиб қолганидан табиатга, экинларга, кишиларимиз соғлиғи-ю тарихий обидаларигача дахл қилиб улгурди. Равшанки, бу сув ўз-ўзидан чиқиб кетмайди ҳам, кўринмас сув — кўринмас ёв. Бу элда яна бир гап бор, — кун — кўринмас ўт дейдилар, гарчи чарақлаб турса-да. Яна «башорат» маънисига қайтамиз, яъни ўт қандай қилиб олиши мумкин. Гарчи ловиллаб ёнмаётган бўлса-да, экологик вазият, ҳаво таркибининг меъёрий бузилиши, унда туз кўпайгани, қуёшдан келаётган зарарли нурларнинг қаршиликсиз ер ўрамига ўтаётгани, танани ҳолсизлантирувчи қуруқ иссиқлик — тузларнинг қизишмаси, бир сўз билан айтганда, шу минтақани кўринмас олов қоплаётганини инкор қилишнинг иложи йўқ.

Ҳа, ривоятлар бежиз айтилмас, огоҳ этиб турар улар ақлимизни, шууримизни. Бундай мазмундаги сўзлар ҳақиқатга айланмаслиги учун кўп такрорланиб — ақлимизга қуйилиб, бизни сергаклантириб турса-ю, лекин имкон қадар ривоятлигича қолса дейман. Ота-боболаримиз ҳамма нарсани айтиб кетган — эътироф этади эл.

«ЎЙИН-ЎЙИН» ЎЙЛАРИ

Қадимда юрт сўраб ўтирган подшоҳлар вақти-вақти билан «болаларнинг ўйинига қаранглар-чи, нима ўйин ўйнаяпти», деб суриштириб туришар экан. Агар болаларнинг нохушликка йўйиладиган ўйинларга машғуллигини ёши катталар кўриб қолса, «қўй, бундай ўйнама, фалон бўлади», деб тўхтатишар, ҳамма ҳам бунга алоҳида эътибор билан қарашар эканлар. Ҳозир ҳам бу одат назари қишлоқларимизда бироз бўлса-да сақланиб қолган. Болалар «хола-хола», «меҳмон-меҳмон», «нон ёпди», «тўй ўйин»лари ўйнашса, юртда тинчлик, фаровонлик, тўқчиликка; «пақилдоқ», лойдан турли шакллар ясаб ўйналадиган ўйинлар сув сероблиги, йилнинг яхши келишига; «от ўйин», «қувлашмачоқ» каби жисмоний ўйинлар мамлакатнинг куч-қудрати ва ер юзида обрўси ошишига; топишмоқ, «тез айтиш», турли савол-жавоб ўйинлари бу элдан улуғ кишилар етишиб, дунёни лол қолдиришига далолат қилинса, «бештош» ўйини қурғоқчиликка, «уруш-уруш» — нотинчликка инобат этиларкан.

Тўғри, ҳозирги болаларнинг ўйинлари ҳам, ўйин майдонлари ҳам бир мунча фарқли. Фикримча, шуни ҳисобга олиб айни пайтда болакайларимизнинг нима ўйнаётганидан кўра ойнаи жаҳон ва турли видеотасмалар орқали нима томоша қилаётгани, нима эшитаётганига эътибор қаратсак, бу билан уларнинг мияларидаги ўйинлардан огоҳ бўлсак, нафи ёмон бўлмасди. Ўйин майдонларига кирган фарқ кичик дўстларимизнинг ёшларида ҳам сезилмоқдаки, видеостудиялар таъсири ўйин ёшидан ўтган-ўтмаганларни бирдай ўзига тортиб, келажак эгаларининг ҳали тўхташиб улгурмаган мияси, ақлишуури билан ўйнашаётгани, берилтириб-ихтиёрига эгилтириб қўйгани ҳеч кимга сир эмас. Бола ўйинлардан, кўрган-эшитганидан инсоний куч олмоғи, яъни кун-кундан, йил-йилдан инсонлашмоғи лозим. Инсонийликдан йироқлаштирадиган воситалардан йироқлашгани маъқул.

Лойиҳа — оддий бир қоғоз, уни уй деб бўлмайди, албатта. Лекин қурилма шу асосда қад ростлайди. Ўйинлар эса ҳаётнинг болакайлар қўлидан чиққан лойиҳасига ўхшайди. Келажак, бўлғуси ҳаёт чизгилари болакайларимизнинг, болалар эса ҳозирча бизнинг қўлимизда эканлигини унутмасак, ҳамиша ўйларимиз бошида турса бас.

Д. ҚЎЗИЖОН қизи

Зиёли шажаралар

ОТАЛАР ИЗИДАН

«Миллий тикланиш» газетасида (1997 йил, 30 сентябр) босилган «Хорижни ҳайратга солган ҳамюртларимиз» деган бир саҳифали мақолани ўқиганимизда оиламизда, катта бобом Иброҳимҳожининг кўп сонли авлодларининг хонадонларида бир байрам бўлиб кетди. Эндиликда марҳума, раҳматли бувимлар Офтоббиби иборалари билан айтганда, ўлган Хўжааҳмад қайта тирилиб келгандек бўлди. Бунинг сабаби шуки, мақолада тилга олинган Иброҳимҳожи бобокалонимиз бўлиб, хорижни ҳайратга солган беш олимнинг икки нафари — профессор Аҳмаджон Иброҳим ва профессор Мажид Иброҳим отамнинг амакилари эдилар.

Абдумажид Иброҳим

Газета қаридошларимиз орасида қўлма-қўл бўлиб юрар экан, мақола муаллифи профессор Ҳайрулла Исматулла домламизга ва таҳририятга миннатдорчилик мактуби йўллаш лозим, деган қарорга келинди. Шунда отам ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳим «олима қизим Камолой, боболар, оталар ишини давом эттириш навбати энди сиз авараларга келди. Эстафета давом этиши керак. Жавоб мақолани сиз ёзинг», дея мавзуга доир бир даста ҳужжатлар, архив материаллари ва фотосуратларни менга тақдим этдилар. Бироқ менга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра мақолани ёзишим орқага сурилиб кетди. Бу орада она томондан бувимлар Лазокатбону 90 ёшларида вафот этдилар. Кейин эса ота томондан бувимлар Офтоббиби қазо қилиб қолдилар...

... Мен ушбу мақолада «Хорижни ҳайратга солган ҳамюртларимиз»да тилга олинган мавзуни давом эттиришни ва унга бир оз бўлсада қўшимча қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Мақолада профессор Аҳмаджон Иброҳим ҳақида сўз борар экан, жумладан, шундай дейилади: «Ундан ҳам уч фарзанд қолган». Хўш, шу фарзандлар кимлар ва улар бугунги кунда қандай фаолият билан машғуллар? Энди сўз шу ҳақда боради.

Аҳмаджон Иброҳим 1934 йилнинг март ойида Олмониядан Туркияга кўчиб келади, Истанбул университетида профессор бўлиб ишлайди. 1935 йили Туркияда ҳар бир кишидан ўзига фамилия олишни талаб қилувчи қонун қабул этилади. У киши ва укалари Мажид Иброҳим Ўқой фамилиясини танлайдилар. Ўқой қадимий туркий рамзлардан Ўқ ва Ой деганидир.

Аҳмаджон Иброҳим 1949 йили турк қизи Невин Ирдемга уйланади. Невин Ирдем ҳам Невин Ўқой деб юритилади. Невинхоним Кора денгиз қирғоғида жойлашган Жиде (Костаману)да туғилган. Истанбул университетининг фалсафа факултетини тугатган. Чамаси улар шу университетида танишганлар ва турмуш қуришган. Уч нафар ўғил кўришган. Тўнғичлари Ўрол 1953 йилда, ўртанчалари — Тўғрул 1954 йилда, кенжалари Ўғуз 1955 йилда туғилишган. Шу ўринда эътиборингизни бир нарсага — фарзандларга қўйилган исмларнинг рамзий маъно-мазмунларига қаратамиз. Ўрол қадимий туркий отлардан бўлиб, одатда тўнғич ўғилга шундай исм берилган. Бу сўзнинг тўнғич маъносидан ташқари баҳодир, қўрқмас, довюрак маъноси ҳам бор. Тўғрул исмини беришда буюк салжуқий султонлардан Тўғрулбекка тахассуф қилишган бўлишса ажаб эмас. Ўғуз оти эса фолклоримизда, мумтоз тарихий, илмий ва бадиий адабиётимизда, жумладан, атоқли олим ва адиб Абдурауф Фитрат асарларида ҳурмат билан тилга олинган буюк аждодимиз Ўғузхонни яна бир бор эсга солиб туради. Бу билан айтмоқчимизки, Аҳмаджон Иброҳим ўзининг асосий соҳаси бўлмиш геология (маъданшунослик)да катта мактаб яратган атоқли олим бўлиши билан бирга туркология билан ҳам шуғулланганлар, илмий асарлар яратганлар, бу ҳақда ҳам қўлимизда айрим маълумотлар бор.

Учала ака-ука Ўрол, Тўғрул ва Ўғуз бошланғич ва ўрта маълумотни Истанбулда олишган. Ўрол Ўқой 1971 йили Туркия ҳукумати ҳисобига Буюк Британияга бориб, Лондон университетида, отаси касбини тутиб, маъданшунослик бўйича илм олади ва кейинчалик Кембриж университетида маъданшунослик фанлари номзоди илмий даражасини эгаллаш учун диссертация ҳимоя қилади. 1980 йили Туркияга қайтиб келиб, уч йил Анқарадаги маъданшунослик-қидирув идорасида ишлагач, Истанбул Техника университетининг маъданшунослик кафедрасида ассосиэйт-профессор лавозимида иш бошлайди. Ҳозир ҳам шу ерда ишламоқда, илмий ишларини давом эттирмоқда.

Тўғрул Ўқой Истанбул университетининг тиббиёт факултетида таълим олади, ички касалликлар, кейинчалик юрак касалликлари мутахассислигини эгаллайди. Ҳозир Истанбулнинг Кошуйолу юрак касалликлари шифохонасида кардиолог бўлиб ишламоқда. Шу билан бирга шахсий иш кабинети ҳам бор. 1979 йили у Сора Ўқойга уйланади. Улар иккови Истанбул университетининг тиббиёт факултетида бирга ўқишган. Сорахоним Истанбулнинг шахсий шифохоналаридан бирида офталмолог бўлиб ишламоқда. Уларнинг Еже Ўқой исмли 17 яшар қизлари бор, бу ҳам Иброҳимҳожи бобомизнинг чет элда туғилган авараларидандир, демак, хорижда ҳам зурриёд давом этмоқда.

Ўғуз Ўқой Истанбул университетининг кимё муҳандислиги факултетида ўқийди, сўнгра Туркия ҳукумати ҳисобидан Австриянинг Вена университетида илм олишни давом эттиради ва шу ерда кимё фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлайди. Туркияга қайтиб келгач, Истанбулга яқин жойлашган тадқиқот институтида хизмат қилади, ҳозир эса Шимолий Кипрда жойлашган Шарқий Ўрта ер университетининг кимё кафедрасида ассосиэйт-профессор бўлиб ишламоқда. Хуллас, Аҳмаджон Иброҳимнинг учала ўғли ҳам оталари йўлини тутиб, унинг ишини давом эттирмоқдалар.

«Хорижни ҳайратга солган ҳамюртларимиз» мақоласида Аҳмаджон Иброҳим вафоти санаси хусусида «Аҳмаджон 80-йилларнинг охирида вафот этган» дейилиб, жузъий ноаниқликка йўл қўйилган. У киши 1981 йили Истанбул шаҳрида 84 ёшида вафот топган. Шу муносабат билан Истанбул университетининг катта мажлислар залида мотам митинги ўтказилган. Унда марҳумнинг оила аъзолари, укаси Мажид Иброҳим Ўқой, ҳамкасабалари, шогирдлари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари қатнашганлар. Бу ҳақда Туркия матбуоти, радиоси ва телевидениесида таъзиянома ва хабарлар берилиб, ҳозирги замон Туркия геология фани оғир жудоликка учрагани қайд этиб ўтилади. Аҳмаджон Иброҳимнинг жаназаси Истанбулнинг энг машҳур масжидларидан бири Султон Боязид жомесида ўқилади ва марҳум Аранкўй қабристонига дафн этилади. Фарзандлари томонидан ўрнатилган қабртошда унинг Тошкентда туғилиб, 1981 йили Истанбулда вафот этгани ёзилгандир.

Шу ўринда битта савол туғилиши мумкин: «Нима учун бой-бадавлат ва обрў-эътиборли хонадонда ўсиб-унган Аҳмаджон олис Олмонияга боради, илм олишни она шаҳри Тошкентда ҳам давом эттирса бўлмасмиди?» Маълумки, маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов Тошкентда 1918 йили очган Туркистон Халқ Дорилфунуни 1920 йили В. Ленин (Улянов) томонидан чиқарилган декретга кўра Туркистон Давлат университети очилгач, туғатилади. Бу ўқув юрти номига «Туркистон Давлат Университети» дейилса-да, амалда туркистонлик маҳаллий ёшлар учун ёпиқ эди. Масалан, унинг биринчи ўқув йилида ўқишга қабул этилган 200 га яқин талаба орасида фақат 3 нафари маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, булардан бири ўзбек, иккинчиси қозоқ ва учинчиси бухоро яҳудийларидан эди. Кўринадики, Ленин очиб берган бу университет буткул овруполиклар учун эди.

Аҳмаджон Иброҳим

Албатта, Аҳмаджон Иброҳимнинг хорижга йўл олишига яна бошқа жиддий сабаблар ҳам бор эди. Бу ҳақда унинг ўзи 1941 йилнинг 15 июнида ёзган таржимаи ҳолида шундай сатрларни ўқиймиз: «Берлинда бўлган пайтларимда Шарқ ва айниқса, туркологияга оид масалалар билан шуғулланганимда, шунга алоқадор зотлар билан **Туркистоннинг бир кунмас бир кун мустақил бўлишини (таъкид бизники: К. Иброҳимова)**, русларнинг кўп масалаларда биздан анча орқада эканлигини, мен ўзим туркистонлик турк эканлигимни, туркларга қалбан боғлиқ эканлигимни Анвар пошшо китобида илгари сурилган фикрларни ҳамиша сўйлаб, тушунтириб келганман».

Шу ўринда «Анвар пошшо китоби» иборасини изоҳлаб ўтиш жоиз. Яхшиси, бу борада ҳам сўзни Аҳмаджон Иброҳимдан эшита қоламиз: «Олмония мағлубиятга учрагандан (Биринчи жаҳон уруши назарда тутиляпти. — Эслатма бизники: К. А.) кейин энг ёмон ва мудҳиш инфляция даврини бошидан кечираётган пайтда (1923 йилнинг январ ойида) мен Олмонияга келдим. Олмонлар бошидан кечираётган изтиробларни жуда яхши биламан. Бир тарафдан халқ фақирлаша бошлаган ва моддий қийинчиликларга учраб, ишсизлик авж олса, иккинчи тарафдан болшевиклар олмон яҳудийлари билан бирлашиб, Русия ва болшевизм манфаатларига мос тушадиган тарғиботни шиддатли тусда олиб борарди. Русиянинг жаннат бўлиб қолганлигидан, бойларнинг йўқ бўлиб кетганлигидан, ҳар бир киши мамнун ҳаёт кечираётганлигидан, ишсизлар йўқ эканлигидан баҳс юритиларди. Бу хусусда жуда кўплаб китоблар, номи чиққан яҳудий муҳаррирлари томонидан чоп этилган китоблар кенг равишда тарқатиларди. Буларнинг Туркистонга, Туркияга оид бўлганлари мени ниҳоятда қизиқтирарди. Бир яҳудий доктори (бу хусусдаги ёзувларим ҳозир қўлимда йўқлигидан исмини эслолмадим) Туркистонга қилган сафари ҳақида китоб ёзиб, унда туркистонликларнинг ниҳоятда эркин эканликларини, нима хоҳласалар қилишлари мумкинлигини ва фабрикаларда рус ишчиларидан анча кўп маош олаётганликларидан баҳс юритарди. Бундай асарларни ўқиб чиққач, Олмония ва бутун дунё болшевиклар ва яҳудийлар бўҳтони билан тўлдириб юборилаётганлигидан кўп мутаассир бўлардим. Бунга қарши кураш олиб бориш керак эди. Бунинг учун Туркистоннинг истиқлол ҳаракати тарихига оид бир асар яратиш хусусида бир немис оғайним билан биргаликда ҳаракатга келдик ва майдонга тушдик. Ушбу асар Анвар пошшо тахаллуси билан босилиб чиқди. Бу асар Туркистонда, Озарбойжонда ва бошқа ерларда болшевикларнинг ўтказган зулмлари, уларнинг иккиюзламачилиги ҳақида ҳикоя қиларди. Турк миллатига мансуб бўлганларнинг чалғиб кетмасликларига... даъват этарди. Ушбу асарни мен билан ёзган биродарим йирик боён-хонимлардан биридир».

Бу боён-хонимнинг исми Шарлота Сталтер бўлиб, у билан Аҳмаджон Иброҳим 1928 йилнинг сентябр ойида танишади, туркология билан шуғулланган бу олима билан уларнинг илмий ҳамкорлиги 1940 йилнинг 5 январигача, яъни унинг оғир касалликдан сўнг вафот этгунига қадар давом этади, биргаликда бир қатор китоб ва мақолалар ёзадилар.

Аҳмаджон Иброҳимни миллий масалалар кўп қизиқтирган, албатта. Бу ҳақда у киши таржимаи ҳолида шундай ёзади: «Мени миллий масалалар, Туркистоннинг истиқлоли ва туркчилик учун нималар қилинмоғи ҳамиша қизиқтириб келган. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Болалик пайтларимдаёқ отамнинг мустабид тазйиқи ва зулми ҳақидаги айтган сўзлари.

2. Жамияти хайрияга иона бергани учун отамнинг қамалиши.

3. 1913 йили мактаб ўқувчиси бўлгон чоғимда Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида бир туркистонликнинг Модалар магазини олдида скамейкада ўтирганимда мустабид полиси келди-да, бу ерда сартларнинг ўтириши мумкин эмас, деб қиличи билан мени туртиб турғизган.

4. Биринчи жаҳон урушида иштирок этмаган бўлсам-да, воқеалардан яхши хабардорман.

5. 1918 йилда Қўқон шаҳрида болшевиклар ҳукуматига қарши бошланган истиқлол урушида иштирок этганман.

6. Мустабидларнинг ҳар соҳада туркистонликларнинг истакларига доимо муҳолиф равишда ҳаракат қилганликлари ва туркистонликларнинг илгарилаб кетишларига зимдан қаршилик кўрсатишлари.

7. Мунаввар фикрли ёшларга қарши ва эскилик тарафдорлари бўлган муллаларни мустабидлар томонидан тутиб қамалиши.

8. Озгина бўлса-да, миллий тарихимиздан маълумот эгаси бўлиш ва ўтмишдаги порлоқ кучлар берган руҳ ва қувват».

Аҳмаджон Иброҳим учун ўз соҳасидан ташқари миллий масалалар билан ҳам шуғулланиш унга завқ бағишлаган: «Ўз соҳамдан, яъни фандан йироқлашмаганим каби миллий соҳада иш олиб боришликдан узоқлашиб кетишлик виждонан азоб беради менга, ҳали мен талабалик вақтимдаёқ бу соҳада иш олиб боришликни ўзимга мақсад қилиб қўйганман».

Атоқли геолог олимнинг немис, турк ва бошқа тилларда ёзилган миллий масалаларга бағишланган илмий асарларини ўрганиш ва улардан энг муҳимларини ўзбек китобхонларига етказиш навбатдаги вазифаларимиздан десак арзийди.

Хайрулла домланинг «Хорижни ҳайратга солган ҳамюртларимиз» мақоласида профессор Мажид Иброҳимнинг шахсий ҳаёти ва оилавий турмуши, фарзандлари ҳақида тўхтаб ўтилмагани сабабли биз шулар тўғрисида қисқача сўз юритамиз. У киши ўнинчи йилларнинг охирларида Тошкентда Раҳимабону исмли қизга уйланадилар. 1921 йили оилада тўнғич фарзанд туғилади — ўғил қўрадилар. Чақалоққа катта бобомлар Иброҳимҳожи ота яхши ният билан Абдували деб исм қўйиб берадилар. Акалари йўлидан бориб, илм олишни ҳаётининг мазмуни деб билган Мажид Иброҳим Берлинга ўқиш учун йўл оладилар. Таҳсилни тугатиб, олий маълумотли кимёгар бўлгач, она-Ватанга қайта олмайдилар, қайтишлари ҳам мумкин эмасди, кимки хорижда ўқиган бўлса, Тошкентга қайтиши биланоқ ёки бироз вақт ўтказилиб ҳибсга олинарди, бу ҳақдаги муҳиш хабарлар албатта, Берлингача етиб борарди. Ватанга қайтолмаган Мажид Иброҳим докторлик диссертациясини ёқлагач, Туркияга йўл оладилар ва Анқарада яшаб қоладилар. Бу ерда улар иккинчи бор Самима исмли турк қизига уйланадилар, оилада 1938 йили қиз туғилади, чақалоққа Гулсен (Гулшан эмас, Гулсен, яъни Сен-Гул) деб чиройли исм қўядилар. Гулсен хонимнинг ташриф номаларидаги ёзувга назар солсак, у кишининг ким бўлиб етишганликларини яққол кўрамиз: «Профессор. Доктор Гулсен Жанқол кўрамиз: «Профессор. Доктор Гулсен Жанли. Ҳажеттепе университети. Гўзал санъатлар факултети декани. Бойтепе — Анқара».

Иброҳим ҳожининг эвараси

Гулсен хоним давлат арбоби ва иқтисодчи Жаъфар Жанлига турмушга чиққач, унинг фамилиясини қабул қилган. Уларнинг ёлғиз қизлари бор, у ҳали гимназияда ўқимоқда. Демак, Иброҳимҳожи бобомизнинг зурриёди бу навниҳолда ҳам давом этмоқда.

Профессор Гулсен Жанли раҳбарлик қилаётган Гўзал санъатлар факултетида 3 минг талаба ва толиба ўқир экан...

Энди яна Тошкентга қайтамиз ва 1988 йили Анқарада 88 ёшларида вафот этган Мажид Иброҳимнинг бу ерда қолган ўғиллари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Не бахтки, отадан 7 кунлик ғўдак қолган, унинг дийдорини деярли кўрмаган ва дийдорига тўймаган ўша чақалоқ ўз Ватанида, ўз она шаҳри Тошкентда униб-ўсиб, балоғатга етади, камол топади, машҳур олим, етук ва талабчан устоз ҳамда моҳир ташкилотчи бўлиб етишади. Бу киши Вали Мажидович Мажидовдир.

Вали Мажидов ўрта мактабни тугатгач, ТошМИнинг ички касалликлар факултетига ўқишга киради. Аъло баҳолар билан ўқигани учун институт аспирантурасида олиб қолинади. 1948 йили медицина фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилади. 60-йилларнинг бошларида медицина фанлари доктори, профессор бўлади. Кафедра мудири, декан, ўқув ишлари бўйича проректор бўлиб ишлайди. Бир неча йил республика Соғлиқни Сақлаш вазирининг ўринбосари лавозимида хизмат қилади. Кейин эса ўзи бошчилигида ташкил этилган Ўрта Осиё педиатрия медицина институтида узлуксиз 16 йил — 1972 йилдан 1988 йилгача ректор бўлади. Бу йиллар давомида минглаб талабаю толибаларга устозлик қилади, сабоқ ўргатади. Қилган хизматлари муносиб тақдирланади. Вали Мажидов Ўзбекистон Республикасининг фан арбобидир. У кишининг фарзандлари ҳам ота касбини тутишган, яъни шифокордирлар. Тўнғич ўғиллари Улуғбек Мажидов фан номзоди, доцент, кичик ўғиллари Ойбек Мажидов медицина фанларли доктори, профессор, қизлари Фахрия Аюпова (Мажидова) фан номзоди, у кишининг турмуш ўртоқлари Шавкат Аюпов математик, академик...

«Хорижни ҳайратга солган ҳамюртларимиз» мақоласида айтилганидек, «Иброҳимҳожининг бир қатор набиралари ҳозирги кунларда ҳам Ўзбекистон фан-маданиятининг турли соҳаларида ишлаб юришибди. Кўплари ўз соҳаларининг сардорлари, етакчи мутахассислари»дир. Нафақат неваралар, балки аваралар ҳам асл аждодга муносиб авлод бўлмоқдалар.

Оилавий шажарамиздан маълум бўлишича, катта бобомиз Иброҳимҳожи отанинг балоғат ёшига етиб, уй-жойли бўлган 14 нафар ўғил ва 8 нафар қизлари бўлган. Ўғилларидан тўрт нафарининг тупроғи олис юртларда қолиб кетган: Аҳмаджон Иброҳим ва Мажид Иброҳимнинг қабрлари Туркияда эканини юқорида айтиб ўтдим. Мансур Иброҳимов ва Абдусамат Иброҳимов (менинг бобом)нинг қисматлари янада оғир, қабрлари қаердалиги номаълум: Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетишган.

Шўролар замонида ўғиллари зовутчи бойнинг фарзанди бўлганликлари учун ҳам ҳар қадамда камситилиб, дакки эшитганларидан учун уларнинг кўпчилиги ўғилларига «Иброҳимов» фамилиясини тақдим этмай, ўз номларини фамилия сифатида беришган. Шу туфайли Иброҳимҳожи отанинг то 1939 — 1940 йилгача туғилган неваралари ва авараларига «Иброҳимов» фамилияси қўлланилмаган. Улар Мажидов, Муҳаммаджонов, Юнусов, Холмуҳамедов, Исмоилов, Жамилов, Жалилов ва шу каби фамилияларни олишган, аслида уларнинг бари Иброҳимовлардир. Буларнинг орасидан ҳам кўпгина таниқли кишилар етишиб чиққану, лекин фамилиялари бошқача бўлгани учун уларни эл-юрт ўша Иброҳимҳожи отанинг авлодлари эканликларидан хабардор эмас. Масалан, халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов неваралариданми, биридирлар. Зикир аканинг беш нафар ўғилларидан икки нафар ўғиллари катта амакиларимиз йўлидан бориб, таниқли олим бўлиб етишдилар. Насрулла Муҳаммаджонов — шифокор, нейрохирург, медицина фанлари доктори, профессор, Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий — текшириш институти директорининг ўринбосари, Омонулла Муҳаммаджонов — ҳуқуқшунос олим, юридик фанлари номзоди, Тошкент Давлат юридик институтининг доценти. Бобокалонимиз Иброҳимҳожи отанинг ўзга ўғил-қизларидан тармоқ отган бошқа набира, авара ва чеваралари орасидан ҳам эл-юртимизга танилиб бораётган турли соҳа мутахассислари анчагина. Масалан, менинг туғишган опам Гулнора Носирхўжаева (Иброҳимова) Абу Райҳон Беруниийнинг илмий меросини ўрганиб, фалсафа фанлари номзодлиги илмий даражасини олиш учун диссертацияни ёзиб тугатдилар, шу йилнинг кузида ҳимоя қилишлари мўлжалланмоқда. Укам Абдулазиз Иброҳимов иқтисодчи — шарқшунос бўлиб, ҳозирги кунда Миср Араб Республикасида ўтиш давридаги иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос томонларига оид мавзуда илмий изланишлар олиб бормоқда. Ўзим эса «Тўксонинчи йиллар ўзбек драматургиясида истиқлол ғояларининг бадиий талқини» мавзусида илмий иш ёзмоқдаман. Хуллас, оталар эстафетасини биз ёш авлод ишонч билан, улуғ мақсадлар йўлида давом эттирмоқдамиз.

Истиқлолга эришганимиздан кейин республикамиз ёшлари учун илм олиш йўлида янги-янги имкониятлар яратиб берилди. Қобилиятли ёшлар хоҳласалар ўз юртимизда, истасалар хорижда илм олишлари мумкин. Буни амалга ошириш учун тегишли ташкилот ва жамғармалар тузилди. Мисол тариқасида «Умид» жамғармаси йўли билан чет эл мамлакатларида таълим олаётган юзлаб иқтидорли ҳамюртларимизни келтириш мумкин. Энди илм-фан йўллари очиқ, фақат қобилият, интилиш, қунт-чидам, олий мақсадни кўзлаш, ватан олдидаги бурч ва масъулиятни теран англаб етиш бўлса бас.

Истиқлол шарофати билан шўролар замонида ноҳақ айбланган, номлари таъқиқланган тарихий шахсларнинг хотиралари абадийлаштирилмоқда. Катта бобом Иброҳимҳожининг ўлкамизда маърифат тарқатишдаги хизматлари, Тошкентда мадраса қурдиргани ва кўпгина боғроғлар яратгани учун 1992 йили жамоатчиликнинг хоҳиш — иродаси инобатга олиниб, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани, Кўкча даҳаси, Оқилжон маҳалласидаги собиқ «Жемчужная» кўчасига «Иброҳимҳожи кўчаси» номи берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия ва картография бошқармаси томонидан тасдиқланган ва 1995 йили нашр этилган «Тошкент» харитасида ҳам «Иброҳимҳожи кўчаси» номини кўриб, биз авлодларнинг қалбимиз ифтихор ҳисларига тўлиб-тошди. Бобокалонимнинг ўзлари ўтган асрнинг охирларида обод қилиб, тўртта катта боғ бунёд этган (бу боғлар ўрнида ҳозир юзга яқин хонадон яшамоқда) бу маҳаллада у кишининг номларига кўча қўйилиб, бобокалоннинг номи билан аталувчи кўчада яшашнинг ўзгача завқи бўлар экан! Бу завқ айни пайтда киши зиммасига масъулият юклайди ҳам, аждодимга муносиб авлод бўляпманми...

Камола ИБРОҲИМОВА,
ТошДУ аспиранти



Ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов амакиси Аҳмаджон Иброҳим қабрини зиёрат қилмоқда.

РЎШНОЛИГИ ТАНСИҚ УМР ҚИССАСИ

Яхшилар ёди

«Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган мақолни ҳар ким ҳар хил талқин қилади. Менинг ўйлашимча, бу мақол катта ёшдаги одамларга қарата айтилган. Инсоннинг ёши бир жойга бориб қолгач, оиласига, болачақасига ўрнак бўла бошлагач, маҳалла-кўйдаги, ўзи сингари, ёши улуғларга, гапининг мағизи тўқ — сенга панд-насиҳат бера оладиганларга суяниб қолади. Мен азим Тошкентнинг катта маҳаллаларидан бири — Дўмбирабодда яшайман. Унга бутун борлиғим, руҳим билан сингиб кетганман. Маҳаллада дили дилимга, гапи гапимга мос келадиган қадрдонларим кўп... кўп эди. Эртами-кечми Ўткир Ҳошимов телефон қилиб қолади:

— Абдуғафур ака, боққа чиқинг, бир гаплашамиз, — дейди. Мен ҳар иккимиз ҳовлимизнинг қоқ ўртасидаги боғ ҳақида гап кетаётганини тушунаман, мароқли бир гурунг бўлишини ҳис қиламану, учрашувга шошиламан. Бот-бот Йўлдошхон ака Мансуров — асли филолог, умр бўйи газеталар, республика телевидениесида хизмат қилган дўстим телефон қиладилар. Бу кишим телефонда бемалол, шошилмасдан суҳбат қурадилар. Йўлдошхон ака билан 20-25 йиллик улфатмиз. Улфат — ака-ука, биродардай гап: ғамингда ғамдош, бор-йўғингда ҳамиша ёндош. Юрагимга яқинлар орасида Набихон ака Васихонов ҳам бўлардилар. Улар ўтган йилнинг авжи баҳорида бандаликни бажо келтирдилар. Шайх Зайниддин бува мақбараларининг ёнгиналарида мангу макон топтилар. У кишимнинг ажойиб одатлари бўларди. Қаерда кўришиб қолсак:

— Ҳовлига бир ўтинг, китоб титкилаймиз, — дердилар. Набихон ака китоб шайдоси, Абдулла Қодирийнинг ҳақиқий мухлиси, Абдулла Қаҳҳорнинг шогирди эдилар. Юриш-туриш, гурунг бериш, латифа айтишда худди Абдулла Қаҳҳорга ўхшаб кетардилар. Саид Аҳмад ака қачон Набихон ака ҳақида гап кетса:

— Абдулла Қаҳҳорни қаттиқ севарди. Бутун борлиғи билан унга таҳассуб қиладилар, — деб қўядилар. Бу зот ҳақида ҳам алоҳида бир хотира ёзаман, насиб этса.

Бугун яна бир маҳалладошим, дўстим, умрнинг аччиғини бисёр даражада тотиган, кўп кўргану куни рўшнолиги тансиқ бўлган Мирмажид Зокиров ҳақида гапириб бермоқчиман. Дарвоқе, ҳурматли «Миллий тикланиш» газетаси, умуман, республика газеталарини мунтазам ўқиб борувчилар, сизлар «Мирмажид Зокиров, геология-минерология фанлари доктори» имзоси билан босилган юзлаб мақола, лавҳаларни 1997 йилгача мунтазам равишда ўқиб боргансиз. Мирмажид ака вафот этгуларича (15 январь 1997 йил) қўлдан қаламларини ташламадилар. Ул зот мақола, лавҳаларини рукн-рукн тарзида эълон қилар, кўпинча бир банд, икки байт шеърни ҳам қистириб ўтардилар.

Мирмажид ака Дўмбирабод кўчасининг чап томонидаги, мен эса ўнг томонидаги кўчада яшаймиз. Ҳовлиларимиз орасидаги масофа узоғи билан 250-300 метр. Мирмажид ака вақти бемаҳал бўлсаям уй қийимда чиқиб келаверар эдилар. Гапимиз гапимизга мос келарди. Мирмажид ака гапнинг даромадини:

— О-о-о, зўр-ку... — деб бошлар ёхуд «янгисидан» айтиб беришни маъқул кўрардилар.

Мирмажид ака билан неча йиллар мобайнида «Кўкрак қафаси жарроҳлиги» илмий текшириш институтининг чап биқинидаги, бир пайтлар роса гуллаган, ҳозир ташландиқ ҳолга келган боғда худонинг берган куни соат 6 дан 8 гача бирга бўлдик... Ул кишим жисмоний тарбия-ҳаракатга алоҳида эътибор берардилар. Мирмажид ака ҳар куни уйларидан Чилонзор метросига яёв келиб, пиёда етардилар.

Сиз у кишининг соғлиқлари зўр экан-да деб ўйлашингиз мумкин. Лекин Мирмажид аканинг оғизларида битта ҳам ўз тишлари йўқ эди. Кўзларига линзаси қалин ойнак тақардилар. Қулоқ том битган — махсус аппаратсиз ҳеч нарсани эшитмас эдилар. Устига устак ҳар йили икки-уч бор касалхонанинг юрак хасталиги бўлимида даволанар эдилар. Вафот этганларида 74 ёшда эдилар.

Хўш, нега фан доктори, тўрт ўғил, бир қизнинг отаси, соғлиқни эъзозлайдиган, парҳезга ўта эътибор берадиган одам бунчалик эрта қариб қолдилар...

... Мирмажид ака гапириб-гапириб бўлардилар-да:

— Эй укагинам, мен кўрганни ҳеч ким кўрмасин, — деб қўяр эдилар. Бир куни бошларидан ўтган савдоларни гапириб бердилар. Бу ғамгин, аянчли тарих эди...

— Мирмажид ака, мана шу айтиб бергаларингизни ёзинг, худога шукур, туппа-тузук қаламингиз бор, қунтингиз етарли — номзодлик, докторлик диссертацияларини, юзлаб мақолаларни ёзгансиз, — дедим.

— Дарвоқе...— Мирмажид ака сукутга кетдилар. — Хўп, кўришгунча... — деб уйларига чиқиб кетдилар.

Орадан уч-тўрт ойми ўтди. Кўришганимизда Мирмажид ака:

— Буюртмангиз бўлди... Бир нарса қораладим. Ўқиб берасиз, — дедилар.

Мирмажид ака 150-200 саҳифа атрофидаги қўлёзма олиб чиқдилар. «Муздан чиққан чақмоқлар» деган ном билан аталганди қоралама. Воқеалар ўта қизиқарли, лекин пала-партиш баён қилинганди. Муаллиф нимани ёзаётганини жуда яхши билар, фақат қандай ёзиш қоидаларини унча билмасди. Хуллас, қўлёзма билан 3-4 киши танишгач, «Шарқ юлдузи» журнали таҳририятига топширилди, қалами ўткир, иймонли-инсофли Алиназар Эгамназаров асарни нашрга тайёрлайдиган бўлди.

Орадан бир йил, икки йил ўтди. Газеталарда воқеий қиссадан парчалар босилди. Хусусан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Тўхтасин Жалоловнинг ҳибсдаги ҳаёти ҳақидаги парча ихлосмандлар қизиқишини орттирди.[1] Мирмажид Зокиров қиссаси ҳақида у ерда — бу ерда гапириладиган бўлинди. Орада Мирмажид ака ўтиб кетдилар. Ниҳоят, «Шарқ юлдузи»нинг 1998 йил 1-сонида Мирмажид Зокировнинг «Муздан чиққан чақмоқлар» воқеий қиссаси босилди.

Қиссада тасвирланган воқеалар китобхон учун тамоман янгилик десак хато қиламиз. Александр Солженицциннинг «Гулаг архипелаги», Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар», Шуҳратнинг «Олтин зангламас», Ҳабибулла Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги кунлари» асарлари, Саид Аҳмаднинг «Қўрқув салтанати» суҳбатмақолалари, Комил Икромовнинг «Отамнинг тергов иши» романи ўзбек китобхонига яхши таниш. Қизил империя ҳукмронлиги йилларида СССР деб аталган юрт улкан, даҳшатли қамоқхонага айланган эди. ХХ аср бошларида туғилган киши борки, озми-кўпми қамоқ азобини татиб кўрган. Қамоқ миллион-миллион кишилар учун жаҳаннамга йўл вазифасини ўтади. Шўро қамоқхонасидан қайтиб чиққан одам зинҳор ўзини ўнглаб ололмасди — кун кўрардию куни рўшнолик кўрмас эди. М. Зокиров қиссасидан олинган мана бу кўчирма жуда кўп нарса ҳақида хабардор қилади: «Муҳтарам ўқувчи, отишга ҳукм бўлган икки кишидан бўлаги осон қутулишибди, деб ўйламанг! Чунки бу ҳукм, гўё одил суд ҳукмидек кўрингани билан, унинг асл моҳияти сир сақланган. Аслини олганда «қизил империя» жаллодлари учун бу чиқарилган ҳукмларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Чунки айбдорни жазолаш уларнинг ихтиёридa эди. Бинобарин, уларнинг қопқонига илинганлар осонликча қутулмас, қутулганлар эса мажруҳ, сирти одам, руҳан сўниқ, бунинг устига доимий таъқиб остида юрадиган «озод» маҳбуслар бўлишарди» («Шарқ юлдузи» журнали, 1998, 1-сон, 114-бет).

М. Зокиров қамоқхонанинг ақл бовар қилмайдиган қонун-қоидалари ҳақида ёзади. Чунончи, маҳбус узлуксиз равишда у қамоқдан бу қамоққа, у шаҳардан бу шаҳарга ўтказилиб туриларди. Маҳбусларнинг жойдан-жойга ўтказилиши яширин ҳолда, ўта қатиққўллик билан амалга оширилади. М. Зокиров Новосибирск, Владивосток, Магадан-Колима қамоқхоналарига кўчирилади.

Қамоқнинг ёзилмаган, аммо маҳбус ўлиб кетмаслиги боисидан амал қилиши лозим бўлган қонун-қоидалари бор: «Қамоқ жойларда ўғрилар уч тоифага бўлинадилар: биринчилари катта ўғрилар (банк, магазинларни ўмарадиган, одам ўлдирадиган ва ҳоказо) — честнягалар; иккинчилари — «честняга»ларнинг айниганлари, гўё катта ўғриликдан қайтиб майдалашганлар, учинчилари эса чўнтаккесар, безори йўл тўсарлар — «мол гўнги»лари... Қолган барча маҳбуслар «фрайер» номи билан аталиб, уларни ҳам икки гуруҳга — софдил (честный) ва сотқин фрайерларга ажратадилар». Қамоқхонада «ўзинг учун ўл етим» нақли ҳукмрон: эпчиллар йўлларини топиб кетадилар, лапашанглар зўрларнинг «емиши»га айланадилар.

Қиссада асосан сиёсий маҳбуслар ҳақида гап боради. Тўхтасин Жалолов, Ҳусан Ғозиев, Қосим Маҳмудов сингари зиёлилар чақув-фитна қурбони бўлганлар.

Қиссада қамоқхонанинг бир бурдагина қоп-қора нонига-нене азоб-уқубатлар эвазига эришилишлиги ишонарли тасвирланган. Қамоқхонадагилар асосан руҳий азобдан, очликдан қийналганлар. Бир бурда нон туфайли ўлиб кетганлар озмунча бўлмаган.

«Муздан чиққан чақмоқлар»да миллатпарварлик, Ватанга садоқат алоҳида улуғланади.

М. Зокиров қиссасида яна бир жиҳат кишини ром этади. Тўхтасин Жалолов, Ҳусан Ғозиев, Қосим Маҳмудов, шифокор Нуриддинов сингарилар чақув-бўҳтон туфайли қамаладилар. Муаллифнинг акаси Мирсоат сал илгарироқ Ватан хоини сифатида қамалган эди. Лекин улар қамоқхона хўрликларига, очликка, одам боласи тоб бериши мушкул бўлган меҳнатга чидайдилар. Айни вақтда иймон-инсофни зинҳор унутмайдилар. Тўхтасин Жалолов маҳбус бўла туриб адолат, инсоф учун курашади: инсонлик қиёфасини йўқотган ўғриларни ўткир болта билан шартта-шартта чопиб ташлайди. Ҳусан Ғозиев, Қосим Маҳмудовлар юракларида алам, номардликка нафрат жўш урса-да, зинҳор базинҳор ўз рақибларини қуйиб-ёниб қарғамайдилар.

М. Зокиров, Тўхтасин Жалолов, Тожихон Шодиевалар қамоқдан расман 1950 йилнинг охирларида озод бўладилар. Аммо бу озодлик номигагина, расмият учун эди, холос. Собиқ маҳбуслар Магадандан кетиб қолмаслик, вақти-вақти билан тегишли ташкилотлар рўйхатидан ўтиб туриш мажбуриятини оладилар. Улар қамоқдан озод бўлгач, оила қурадилар, эркин ишлаш ҳуқуқини оладилар. Ўша пайтдаёқ Мирмажид аканинг серуқувлиги, ишбилармонлиги намоён бўлади.

М. Зокиров Муршида Ҳодиева исмли татар қизига уйланганлиги, ундан Магадандa Занфира, Рустам исмли фарзанд кўрганлигини ёзади. М. Зокиров 1954 йилнинг кеч кузида Тошкентга қайтганлигини қиссаси хотимасида тасвирлайди.

Мирмажид ака Магадан-Колима қамоқхонаси сургунидан қайтгач, 42 йил яшаб, яна уч ўғил фарзанд кўрди. Қизи Занфира ТошДУнинг биология факултетини, ўғиллари ҳам ўрта, олий ўқув юртларини тугатдилар. Мирмажид Зокиров ўзи севган геология соҳасида муқим қолди: фан номзоди, фан доктори бўлди. Лекин Мирмажид ака яйраб-яшнаб яшамади. Таъқибми, ишончсизликми, камситишми, ишқилиб нимадир, унинг доимий йўлдоши бўлди. Мирмажид аканинг битта улкан завқи бор эди: илмий иш қилиш, илмий-тарғиботчилиқ фаолияти билан шуғулланиш. У юзлаб оммавий мақолалар ёзди: она-юрт бағридаги бойликларни тарғиб қилди. Геолог касбига ёшларда меҳр-муҳаббат уйғотишга интилди: тоғу тошларни, чўлу биёбонларни кезиб ер ости бойликларини излаётганлар ҳақида кўп ёзди, «Қизиқарли геология» китобини ҳаммуаллифликда чоп эттирди. Ёшларга оила қуриш, бахтли бўлиш йўсинлари ҳақида панд-насиҳатлар берди.

Мирмажид Зокиров бозор иқтисоди замонининг кишиси, истиқлолнинг фидойиси эди. У «Гилмоя ва сармоя», «Шувоқ олтинга гувоҳ» сингари мақолаларида гилмоядан олинадиган фойдалар ҳақида,шувоқ бор ерда олтин бўлиши эҳтимоли ҳақида ёзади. М. Зокиров гилмоядан саноат маҳсулотлари барпо этиш усулларини кашф этди, қатор иқтисодий манфаати бор таклифлар билан тегишли ташкилотларга учрашди.

Мирмажид Зокиров айни ишлайдиган, иқтисодий манфаати улкан таклифлар билан елиб-югурадиган пайтида уни хасталик енгди. Юрак хуружи билан ботбот касалхонага тушди, кўзини операция қилдирди. Умрининг охирида Мирмажид ака яна бир қулфатга дучор бўлди: унинг тўнғич фарзанди, Магаданда туғилган Занфира фожиали ҳалок бўлди. Меҳрибон қизидан ажралиш дардини Мирмажид ака кўтара олмади...

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси буюртмаси билан тақдирида ХХ асрнинг муҳри ўчмас из қолдирган санъат, илм, бадиий адабиёт намояндалари ҳақида видеомонолог-фильмлар ярата бошладигу, мен Мирмажид акани видеотасмага ёзиб олишни юрагимга тугиб қўйдим. Мақсадимни Мирмажид акага айтдим. Қачон, қандай «ёзиб» олишимизни келишиб олдик. Эртага «ёзамиз» деб тайёргарлик кўраётганимизда, Мирмажид ака бизникига ўта кайфиятсиз ҳолда чиқиб келдилар.

— Укажон, мени «ёзиб» олмай қўя қолинг. Уйимда шароит йўқ: бунақа ишлар осойишта вазиятда бир пиёла чой устида қилинади. Мен ўзбекман, ахир. Одамнинг ҳурмати учун дастурхон ёзишим керак. Мени маъзур тутинг, — дедиларда битта-битта қадам ташлаб кета бошладилар. Ҳалигача Мирмажид аканинг ўша ғамгин кетишлари, ҳеч қачон бошларидан тушмайдиган дўппилари кўз олдимдан кетмайди.

Абдуғафур РАСУЛОВ

Бухоро шукуҳи

БОЯЗИД БЎСТОНДА БЎЛГАНМИ?

Боязид Бастомий: ҳақиқат ва ривоят

Атрофимизни қуршаган жуғрофий номларга назар солсанғиз, Бўстон деб аталувчи ўнлаб қишлоқлар мавжудлигига дуч келасиз. Аммо улар орасида Қизилтепа туманидаги «Бўстон» энг қадимгиси бўла ажаб эмас.

Ҳозирча қишлоқ ҳақида эмас, балки унинг тарихи билан боғлиқ бу ердаги қадамжо — бутун шарқ оламида машҳур, султонул-орифин (донишмандлар султони) деб улуғланган шайх Боязид Бастомий ҳақида, ул зот номи билан боғлиқ зиёратгоҳ ҳамда тарихий далиллар, ривоятлар тўғрисида қалам тебратмоқчимиз.

ҲАҚИҚАТ: Ўзбек халқининг бобокалон шоири Алишер Навоий ўзининг «Насойимул-муҳаббат мин шамойимул-футувват» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари») тазкирасида Боязид Бастомий ҳақида фикр юритиб, шайхнинг тўлиқ оти «Тайфур бинни Исо Аҳмад Хизравия» дейди ҳамда ул зотнинг валийлик даражасига етганлигини қайд этиб, ҳижрий 261 (милодий 857 йилда) вафот этган деб кўрсатади.

Боязид Бастомий вафот қилган йил милодий 874 йил деган манбалар ҳам учрайди.

XIX асрда яшаб ўтган Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкира ул-авлиё туркий» деб аталувчи китобида Боязид Бастомийнинг афсонавий қобилияти, авлиёлиги, салоҳияти, кароматлари тасвирланган ва ул киши ҳақидаги ҳикоят, ривоят, хотиралар баён қилинган.

Бошқа бир қанча манбаларда Боязид Бастомийнинг Эрондаги Бастом шаҳрида зардуштий эътиқодли коҳин оиласида дунёга келганлиги ва ҳижрий 261 йили ўша жойда ҳаётдан кўз юмганлиги айтилади. Чунончи, «Мақомати Шоҳи Нақшбанд» китобида ёзилишича, Боязид Бастомийга Имом Жаъфар Содиқ пирлик қилганлар. Ўз навбатида Боязид Бастомий «Силсилаи шариф»даги олтинчи халқа пири сифатида машҳур шайх Абулҳасан Ҳараконийга устозлик қилганлар. Ул зот эса Абулқосим Гургонийнинг, Гургоний эса Абу Али Фармадийнинг, ул киши Юсуф Ҳамадонийнинг, Ҳамадоний эса Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг, Ғиждувоний эса Хўжа Ориф Ревгарийнинг, ул зот эса Самосийнинг, Самосий эса Мири Кулолнинг, Мири Кулол ҳазратлари Баҳоуддин Нақшбанднинг устози ҳисобланадилар. Хуллас, Боязид Бастомийнинг улуғ зотлар билан боғловчи занжири узун. (Бухоролик исломшунос Ҳожи Садриддин Салим Бухорийнинг маълумотларига қараганда, у кишининг устозлари имом Жаъфар Содиқ силсилаи шарифдаги икки йўл билан боғлиқ эканлар. «Бирида имом Жаъфар ўз падари бузрукворлари ҳазрат имом Муҳаммаддан, имом Муҳаммад оталари имом Зайнулобидиндан, Зайнулобидин оталари имом Ҳусайндан, имом Ҳусайн оталари Али розиаллоҳу анҳудан, Али эса Муҳаммад алайҳиссаломдан таълим олганлари қайд этилган. Мазкур занжир ҳалқалари нафақат оилавий йўл билан, балки тариқат таълими билан ҳам пайғамбар алайҳиссаломга туташгандир.

Иккинчидан эса, имом Жаъфар Содиқ тариқат тарбиясини ҳазрат Қосим бин Муҳаммад бин Абу Бакр Сиддиқдан олган. Ҳазрат Қосим Салмони Форсийдан, Форсий Абу Бакр Сиддиқдан, Абу Бакр Сиддиқ сарвари коинот Муҳаммад Мустафо саллалоҳу алайҳи вассаломдан тариқат сирларини ўрганиб қўл олганлар».

Боязид Бастомий Макка ва Ҳамадон шаҳарларида таълим олганлар, бир неча бор ҳажга борганлар. Тасаввуф фалсафасида тайфурия мазҳабини яратганлар, «фано» ва «бақо» таълимотига асос солганлар. Шу билан бирга ул зот ниҳоятда камтар, одил, камбағалпарвар ва кароматли бўлганлар. Жумладан, қисқа вақт ичида олис-олисларга етиб бора олиш, келажакни олдиндан айтиш, ҳайвон ва ўсимлик «тили»ни билиш, қўл ишора билан душман бошини узиб ташлаш, дарахтни илдизи билан қўпориш, деворни қулатиш, ёмғир ёғдириш каби қобилиятлар соҳиби эдилар.

Шарқнинг машҳур алломалари Боязид Бастомийни улуғловчи шеърлар битганлар, қиссалар яратганлар.

Радий Фиш деган ёзувчининг «Жалолиддин Румий» деган романида бир эътиборли ҳикоя диққатга сазовор:

«...Жалолиддин Румий билан Шамсиддин Табризий учрашган жой инсонларнинг қутлуғ хотирасида сақланиб қолган.

Агар Кунёга йўлингиз тушса, марказдан унча узоқ бўлмаган «Салжуқпалас» меҳмонхонасини излаб топинг. Унинг маориф нозирлигига рўбарў тушган бурчагига бориб туринг. Одамлар бу жойни «Маржа-ал-баҳрайн» («Икки денгиз учрашуви») деб аташган. Бу воқеа 1244 йилнинг 26 ноябрида рўй берган эди...

Улар дарҳол бош масала ҳақида гап очишди.

— Эй, у дунёю бу дунё маънию моҳиятларининг саррофи! Айтгилким, устун — Муҳаммад пайғамбарми ёки Боязид Бастомий?

IX асрда яшаган суфи Боязид Бастомий тасаввуф алломаларидан бири эди... бағоят соҳиб нуфуз саналиб, «султонул орифин» унвонига сазовор бўлган эди...

...Жалолиддин бошқа ҳар нечук тақвадор шайх ёки уламога ўхшаб жавоб берди:

— Бу не сафсата? Албатта Муҳаммад устун!

Шамсиддин, шубҳасиз, шундай жавобни кутган эди...

— Дуруст, — деди у, — нега унда Муҳаммад: «Юрагимни занг босиб, эгамнинг олдида ҳар куни етмиш карра тавба қиламан», — дейди-ю Боязид эса: «Мен ўзимдаги ҳар нечук қусурлардан халос топдим. Жисмимда худодан бўлак ҳеч нарса қолмади. Улуғмен, улуғмен, шон-шарафга тўлуғмен», — деб бонг уради...

— Муҳаммад ҳар куни етмиш мақомни босиб ўтарди, — жавоб берди Жалолиддин. — Ва ҳар гал янги пояга етиб, аввалги поя эришган билимларининг қосирлиги учун тавба-тазарру этарди. Боязид эса ёлғиз биргина пояга етиб, шунинг мартабасидан боши айланиб, жазава ичра ўшандоқ сўзларни айтмиш»...

Атоқли шоир Бобораҳим Машрабнинг «Мабдаи нур» асаридаги бир шеърий ҳикоят Боязид Бастомийга бағишланган. Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» («Ожизлар саботи») асарида Бастомий улуғланган.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг Ҳамиджон Ҳомидов ва Икром Остонақулов таржима этган ҳамда «Сирли олам» журналида (1991 йил 7—11 сонлар) босилиб чиққан «Тазкира ул-авлиё туркий» китобидан айрим ҳикоятларни келтирамиз:

«Келтирибдурларким, бир кун имом Жаъфар Содиқ Боязидқа дедиларким:

— Токчада китобни келтур.

Боязид деди:

— Қайси токчадин?

Имом дедиларким:

— Нечанд муддатдурким, мунда бўлурсан, токчани кўрмадингму?

Боязид деди:

— Кўрганим йўқтурким, бу ишлар билан не ишим бўлғайким, сизнинг олдингизга бошимни устун кўтаргаймен ва ман бунда томоша учун келгоним йўқтур.

Имом Жаъфар содиқ дедилар:

— Мундоғ бўлса, сенинг ишинг тамом бўлибдур, эмди Бастомга ёнгил.

* * *

Келтурубдурларким, Боязиддин сўрдиларким:

— Сенинг пиринг кимдур?

Деди:

— Бир пиразандурким, бир куни тавҳиднинг ишорати ғолиблиқидин беихтиёр бўлиб, саҳрога чиқиб эрдим. Онча бўлиб эрдиким, ўзумда қилча шаъвар ва ихтиёрим йўқ эрди. Бир пиразан учради. Бир халтада ун кўтарибдур. Менга дедиким:

— Келгил, бу халтадаги унумни уйимга еткириб бергил.

Менинг ўзимни кўтарурча чоғим йўқ эрди. Бир шерни ишорат ила келтуриб, унни шерга юклаб бердим. Пиразанга дедимким:

— Шаҳарга борсанг, кимни кўрдим дерсан?

Пиразан деди:

— Бир золим ва раъноии кўрдум, дерман.

Ман дедим:

— На учун мундоғ дерсан?

Пиразан деди:

— Худои таоло шерни бандаинг хизматига таклиф қилмабдур. Ва сен ани хизматка таклиф қиласан. Бу зулм бўлмайдиму?

Мен дедиким:

— Ори, бу зулмдур. Ва раъно на учун дерсан?

Пиразан деди:

— Анинг учунким, сенинг хоҳишинг улки, шаҳар халқи билгайларким, шер сенга мутеъ, фармонбардор бўлибдур. Соҳиб кароматсан. Бу раъноли эмасму?

Дедим:

— Ори андоғдур, тавба қилдим ва баланддин пастга тушдим. Ушбу менга пирдур.

Ондин кейин Боязид онча бўлдиким, агар бир каромат анга бўлса эрди, ҳақ таолодин анинг ростлиқин талаб қилур эрди. Дарҳол сариғ нур пайдо бўлиб кўринур эрди:

«Ло илоҳа илаллоҳу Муҳаммадин расулулло ва Нуҳ набиалло ва Иброҳим халилулло ва Мусо калимулло ва Исо руҳалло». Бу беш гувоҳ ила кароматни қабул қилар эрди. То онча бўлдиким, Аҳмад Ҳазравия дебдур: «Худои таоло тушумда менга дедиким, жумла халойиқ мендин муродини тилайдурлар. Ва Боязид мени тилайдур...»

Энди буюк шахс тўғрисида тилдан тилга, авлоддан авлодга кўчиб юрган БАЪЗИ РИВОЯТЛАРНИ диққатингизга ҳавола этамиз.

Боязид Бастомий буюк ипак йўлидан қатновчи карвонларга эргашиб Бўстон қишлоғига келиб қоладилар. Бу жойнинг иқлими, одамлари маъқул бўлибми, шу ерда яшай бошлайдилар. Баъзан бир парча ерга пиёз экиб, баъзан кабобпаз-ошпазларга ўтқаловчи хизматида бўлиб кун кечирадилар. Аммо гоҳ-гоҳ ул зотнинг кароматлари кўзга ташланиб тураркан. Бу ҳақда эшитган Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний мукаррам меҳмонни излаб келибдилар. Боязид Бастомий пиёз ўтаётган эканлар. Меҳмонга чой келтириш баҳонасида ҳужраларига кирган пайтда Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний пиёз экилган ердан юлиб ташланган бегона ўтларга қайта ўз ўринларини эгаллашга амр айлабдилар. Бу ҳол Боязид Бастомийга аён бўлибди ва бегона ўтларга пиёз экилган майдонни тарк этишни пинҳона амр айлабдилар. Бегона ўтлар ўша заҳотиёқ челдан жой олганмишлар.

Меҳмон қароматига қойил қолган Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний Бастомийга таъзим бажо айлаган ҳолда жўнаб кетганмишлар. Аммо дарё ул зот йўлларини тўсмиш. Бу ҳолдан Боязид Бастомий огоҳ бўлгач, улуғ шайх қўлларидаги ҳассаларини дарё томон улоқтирибдилар. Ҳасса кўприкка айланиб, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийга йўл очилибди.

Яна бир РИВОЯТ: ҳозирги «Хўжа Бўстон» қабристони ўрни чорбоғ бўлган эмиш. Бу

Имон ҳаловати

жойда хонлар, бек, бойваччалар дам олишар, маишат айлар, бева-бечораларнинг бу сўлим масканга киришига рухсат берилмас экан. Бир гал жанда кийган Боязид Бастомий ҳам чорбоққа кирмоқ истабдилар, лекин бунга рухсат бўлмабди. Шундан сўнг кароматли зот чорбоғни сотиб олиш ва у жойни халқ зиёратгоҳига айлантиришни хоҳлаб қолибдилар. аммо пул йўқлигидан кўп изтироб чекибдилар.

Улуғ шайх бир кеча туш кўрибдилар. Кимдир: «Эй, шайх, ғафлат уйқусидан уйғон. Тангри таоло оҳингни эшитди. Тўшагинг ёнидаги олтинларни олу чорбоғни харид қил», дебди. Шайх қувониб уйғонсалар, бошлари томонда бир халта олтин турганмиш.

Хуллас, Боязид Бастомий чорбоғни сотиб олгач, у жойдаги ерни дов-дарахти билан теварак-атрофда яшовчиларга текинга тақсимлаб берибдилар ва:

— Бундан буён вафот қилганларни шу жойда дафн этиш лозим, — дея уқтирибдилар.

Шундай қилиб, чорбоғ ўрни зиёратгоҳга айланиб қолибди.

БИР РИВОЯТДА ҳикоя қилинишича, тоат-ибодатга берилиб, фақирона ҳаёт кечириб юрган Боязид Бастомий бир кун аллоҳга нола айлабдилар:

— Парвардигорим, эгам, мен қирқ йил сенинг ёдинг билан ибодат қилдим, ёмонлик этагидан тутган эмасман. Айт-чи, энди мен учун жаннат эшиги очиқми?

— Йўқ, — дея нола келмиш.

Боязид Бастомий жаҳлга эрк бериб, бозорга борибдилару, жар солибдилар:

— Эй халойиқ! Эй мўминмусулмонлар! Мен худо йўлидаги қирқ йиллик тоат-ибодатим савобини сотишга азм айладим...

Ҳамма бу ҳолга ҳайрон қолибди. Шайх сўзларидан қайтмабдилар. Савобталаб бир мусулмон Боязид Бастомийга етти танга бериб, саволга доҳил бўлибди.

Шайх бир ҳафтадан буён оч эканлар. Бояги пулга егулик харид қилиб, ўтириш учун жой излабдилар. Лекин қулайроқ, тоза-озода жой топмай қабристон томон йўналибдилар. Шу пайт бир итнинг инграши қулоқларига эшитилибди. Яқинроқ борсалар, бир эски қабрдан итнинг ва итваччалар нолиши аниқ эшитилибди. Улар оч эканлар.

— Э, жониворлар, буткул ҳолдан тойибсизлар-ку? — дебдилар шайх уларга раҳмлари келиб. Сўнг ўзлари учун харид қилган озиқ-овқатни уларга берибдилар-у яна оч-наҳор ухламишлар. Туш кўрибдилар. Кимдир тушларида: «Эй худовандо каримнинг яхши кўрган бандаси, бугунги қилғон ишинг, яъни итга қилган яхшилиғинг учун жаннат эшигига йўл топдинг. Турғил-у кунчиқарга боқ!» — дебди.

Боязид Бастомий қуш каби енгил бўлиб ўринларидан туриб, кунчиқар томон термулибдилар. Во ажаб! авваллари осмондан нур тараларди, бу гал «Хўжа Бўстон» зиёратгоҳидан кўкка нур таралмоқда эди. Улуғ Шайх мақсадга етиб, яна Қуръон тиловатига киришибдилар.

АЙРИМ ДАЛИЛ ВА ФАРАЗЛАР: «Хўжаи Бўстон» қабристони устидаги қадимги 16 устунлик мачит ва минора 1938 йилда бузилган. Янги мачит 1992 йилда тикланган. Мачит ёнида зилол сувли қудуқ бор (Уни қирқинчи йиллар охирида уста Саидаҳмад деган шахс таъмирлаган дейдилар).

Буюк шайх Боязид Бастомийнинг турли юртларда етти жойда қабрлари бор деб эшитганмиз. Тарихий маълумотларга кўра, у киши Бастомда вафот этган бўлсалар, «Хўжаи Бўстон»даги ул зотга нисбатан берилган мақбара рамзий бўлса, ажаб эмасдир.

ЯНА БИР ФАРАЗ: «Султонул орифин» дея мусулмон дунёсида тан олинган улуғ зот Боязид Бастомий номи билан «Бўстон» деган жой номи — атамани аралаштириб юбормаслик лозим. Бўстон қишлоқ номи, Бастомий эса улуғ шайх тахаллусидир (Шайх Бастомда туғилганликлари учун шундай тахаллусни танлаганлар).

Умид САТТОРОВ,
меҳнат фахрийси,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Муҳаммад Авфий

АБУ ТАМОМ ҚИССАСИ

Бир подшоҳнинг Абу Тамом деган вазири бор эди. У ниҳоятда оқил, фозил ва тадбиркор киши эди. Кунлардан бир кун подшоҳ Абу Тамомдан шубҳаланиб, уни ўлдириш қасдига тушди. Подшоҳнинг қора ниятини пайқаган Абу Тамом, ўз бойлигидан эплаганича олтин-жавоҳирлардан олиб, кечаси саройдан қочди. Абу Тамом шаҳарма-шаҳар, манзилма-манзил юриб, ниҳоят Олон мамлакатининг чегарасига етди, Абу Тамом шаҳарга кирмай, тоғ этагида чодир қуриб, ўша ерда яшай бошлади. Тоғнинг об-ҳавоси, оқар сувлари Абу Тамомга лаззат бағишларди. Шунинг учун у ҳар куни атрофга чиқиб сайр-томоша қилар ва гоҳо-гоҳо у-бу сотиб олиш мақсадида шаҳарга ҳам тушиб турарди. Секин-аста одамлар Абу Тамомни таний бошладилар ва унинг аҳволидан ўз подшоҳларига хабар бердилар.

Шоҳ Абу Тамомни ўз саройига чақирди. Абу Тамом шоҳ саройига кириб, шоҳга таъзим қилди. Абу Тамом шоҳлар ҳузурида қандай ҳаракатлар қилиниши лозим эканлигини билгани учун шоҳга маъқул тушди. Абу Тамомнинг одоби, яхши ахлоқи, суҳандонлиги подшоҳга мақбул бўлди. Подшоҳ Абу Тамомга илтифотлар кўрсатиб, унинг аҳволидан сўради. Абу Тамом ўз бошидан кечирганларини баён қилди. Подшоҳ унинг аҳволидан воқиф бўлгач, деди: «Сен бизнинг хизматимизда мақом тутсанг, ҳар қандай хавф-хатардан омон ва эҳсонимиздан баҳраманд бўлурсан».

Абу Тамом шоҳнинг хизматида бўлди. Шоҳ Абу Тамомга кўп эҳсонлар қилди ва уни доим улуғлади. Шунингдек, ҳар хил ҳунарда уни имтиҳон қилиб кўрар ва Абу Тамомнинг ҳар ишда баркамоллигини кўриб, унинг иззат-ҳурматини яна юқори кўтарарди. Ҳеч қандай ишни унинг маслаҳатисиз қилмас эди.

Кунлардан бир кун Абу Тамом шоҳга деди: «Мен бир ғариб кишидурман, аммо шоҳ ҳазратлари менга ниҳоятда юқори эътимод билан қарайдилар. Ҳар бир соҳада менинг фикримни сўраб, иш тутадилар. Зеро, бир ғариб кишига бунчалик эътимод қўймоқлик, жамоат ўртасида ҳар хил номақбул гапларнинг содир бўлишига йўл очмоғи муқаррардир. Кўрқаманки, сарой аҳли ҳасад домига тушиб, ҳасад гулханини баланд кўтаргайлар... Бинобарин, менга адоват қилиб, ростлик ва тўғрилик юзига қоракуяни ниқоб айлагайлар».

«Душманлар сен ҳақингда ҳар қанча бўҳтон қилмасинлар, бари бир, қулоқ солмайман», — деди шоҳ.

Кунлар кетидан кунлар ўтарди. Абу Тамом давлат ишларида фазл ва адолат ўрнатарди.

Подшоҳнинг тўртта вазири бор эди. Мамлакат ишлари мана шулар қўлида эди. Аммо, Абу Тамом келгач, подшоҳнинг кўнглини ўзига ром қилиб, мамлакат ишларини ўз қўлига олди ва вазирларнинг иши орқага кетди. Уларнинг дилида ҳасад олови кундан-кунга алангалана борди. Уларнинг тўртталаси биргалашиб Абу Тамомга қарши ҳар хил туҳматлар ўйлаб чиқарардилар.

Ниҳоят, ҳар тўртталаси шундай қарорга келдилар: Туркистон хонининг бағоят зебо қизи бордир. Қизни ўз никоҳига киритиш мақсадида бир неча шаҳзодалар элчи юбордилар. Аммо Туркистон хони борган элчиларни ўлдирарди. Эртага саройга бориб, Туркистон хони қизининг ҳусн-малоҳати ва баркамоллигини ҳадсиз муболағалар билан шоҳга тавсиф қилсак. Зора шоҳнинг кўнгли ул қизга ром бўлса. Ана шундан сўнг шоҳ Туркистонга элчи юбормоқ ҳаракатига тушади ва биз Абу Тамомни элчиликка тавсия қиламиз. Ушбу йўл билан Абу Тамомдан қутуламиз.

Эртаси куни вазирлар подшоҳга Туркистон қизининг ҳусну жамоли ва ой талъат висоли ҳақида чунон муболағалар қилдиларки, у қизни бир кўрмоқ ҳавоси, васл чашмасидан баҳраманд бўлмоқ таманноси шоҳни беором қилди. Шоҳ кечаю кундуз қизнинг висолига етиш борасида ўйлар, ҳатто, емак-ичмакда, ҳузур ва уйқуда ҳаловатини ҳам йўқотди. Ниҳоят, вазирларни ўз ҳузурига чақириб, маслаҳат сўради: «У маҳбубга етишмоқ учун қандай тадбир қўлламоқ керак?» Вазирлар жавоб бердилар:

— Элчи юбормоқ даркордир. Агар Туркистон хони сизни ўзига куёвликка лойиқ топса, элчи қизни сизнинг никоҳингизга киритиб қайтмоғи муқаррардир.

— Элчиликка кимни муносиб деб билурсизлар?

— Бу ишни бажаришда Абу Тамомдан муносиброқ киши ҳаргиз топилмайди. Абу Тамом шоҳлар хизматида кўп йиллар давомида беҳад тажриба орттирган ҳамда одоб ва ахлоқ доирасининг энг нозик томонларидан ҳам воқифдир.

Бу сўз подшоҳга маъқул бўлди ва Абу Тамомни чорлаб воқеани баён қилди. Абу Тамом хизмат камарини белига боғлаб, шоҳга таъзим қиларкан, деди:

— Подшоҳга жоним фидо бўлсин. Агар буюрсалар, бошим билан борай, токи шоҳимнинг мақсадларини ўта камтарин қилмиш сирларини ўргандик.

Шу устозлар орасида камина, афсуски, шахсан суҳбатига етишолмаганим — Абдуваҳоб Сайфий домланинг бир шеърини шарҳлашни эҳтиёж ва маънавий бурчим, деб ўйлайман. Бу Андижон, Кўқон ва Тошкент қўшиқчи ҳофизлари қиёмига етказиб куйлайдиган, «Дугоҳ» оҳангида ёзилган «Вафо қилур» шеъридур. Абдуваҳоб Сайфий ғазал матлаъидаёқ вафо фазилатининг нақадар қимматли эканлигини бундай таърифлайди:

Ҳар одамики элга,
ватанга вафо қилур,
Гўё жаҳон борича
бузилмас бино қилур.

Бу сатрларни ўқир эканмиз, устоз Навоийнинг «Назмул жавоҳир» асаридаги ҳадис шарҳларидан бири ёдимизга тушади:

Уч қисм ила иймонга
бино фаҳм айла,
Аввалгисини анинг
ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини даги
вафо фаҳм айла,
Учинчини билмасанг,
саҳо фаҳм айла.

Инсонда иймонни билдирувчи юзлаб фазилатлар бор. Аммо, шулар орасида мана шу учтаси Иймон биносини кўтариб турувчи устунлардир. Навоийнинг бутун ҳаётида ва ижодида мана шу уч олий фазилат нурланиб туради. Ҳаё билан вафо бири-бирисиз яшолмайди. Навоийнинг «Ҳаёсизда вафо йўқ, вафосизда ҳаё йўқ» сўзлари мақолга айланиб кетган. У 1939 йилда, Навоийнинг 500 йиллик таваллуд байрамига тайёргарлик бошланиб кетган вақтда Анисий, Ҳабибийлар қаторига Тошкентга келган ва бу ерда гулчи боғбон бўлиб ишлаб, Навоий ижодий меросини тадқиқ этишда қатнашган Абдуваҳоб Сайфий мана шу ҳадисни ва Навоийнинг вафо ҳақидаги сўзларини билар эди, албатта.

Шоир Сайфий талқинича, вафоли одам — мард одам, чунки, номардларда вафо топилмайди.

Мард эса ор-номусга эгадир:

Мардлик улдирки,
сақлагай номусу орини,
Ёру диёру дўстлар учун
жон фидо қилур.

Булар ҳозир оддий сўзлар-мас, элим деб, юртим деб ёниб яшашдир.

Ғазалнинг давомида ватанига вафодор одамнинг бошқа фазилатлари ҳам кўрсатиб ўтилади. Биз «ватанига вафодор» деган сўзларни бирга айтаётганимиз бежиз эмас. Чунки орамизда фақат ўзим бирига ошино қилиш — жамиятга зарар келтиради. Одамларнинг ёмони йўқ, деган фикр ёмон одамларнинг фикридир. Чунки, ватандошларини ووраи сарсон қилиб, қийнаётган бағритош, тамагир, порахўр, муттаҳам, очофат, қаллоб одамлар — ёмон одамлар экани кундай равшандир.

Ана шунақа эл-юртга вафосиз, тамагир, юлғич одамларга қарата шоир айтади:

Мансаб учун қувонмаю,
мағрур керма қош,
Дерлар: қамиш
пўпакласа, эл бўрё
қилур.

Яъни, пўпаклаб, йўғонлашган қамишларни эл бўрё қилиб, ерга тўшаб, устига тўшак ёзадилар. Вафоли, камтарин одамларга эса элнинг кўпчилиги яхши назар билан қараб, иззат-ҳурмат қиладилар. Шунинг учун шоир вафо ҳақидаги ғазалини элга беғараз хизмат қилиш ҳақидаги сатрлар билан тугаллайди:

Сайфий, қаламинг
тебрат, элинг хизмати
учун,
Жисмингни кўпчилик
назари кимиё қилур.

Халқимизнинг севимли санъаткорлари, Қосимжон Охунов, ака-ука Шожалиловлар, Ғуломжон Ҳожиқулов, Комилжон Раҳимов ва бошқа ҳофизлар ижросида «Дугоҳ» оҳангида айтиладиган бу ғазал янада таъсирли, жозибали жаранглайди.

Шоир Сайфий таваллудининг 100 йиллиги кунларида ҳам бу байтлар ёру дўстларнинг фазлу камолоти учун хизмат қилади.

Маҳкам МАҲМУД

ҲУШТАКЛАРНИ УЙҚУДАН УЙҒОТ

Рассом Ашур-Муҳаммад оламларида



Мусаввир Ашур-Муҳаммад

Шарқ халқлари азалдан эртак, ривоят, афсоналар таъсирида дунёни англашга интилишган. Бунга сабаб улар руҳиятидаги хаёлот оламининг учқурлиги ва ранг-баранглигидир.

Болалигидан эртак эшитмаган, ўқимаган унинг таъсирига тушмаган одам кам бўлса керак. Эртаклар, эшитилган афсоналар бола онгига бир умрга ўрнашиб қолади. Дунёни идрок этишга, тафаккур оламининг бойишига ёрдам беради.

Айниқса, бу ижодкор руҳиятида ўзгача оламни юзага келтиради. Биз бугун ижоди ҳақида гапирмоқчи бўлганимиз, кулол Ашур-Муҳаммад яратган шакл ва ҳуштаклар ўша олис болалик хотираларининг таъсири ўлароқ дунёга келган.

Кулолнинг болалиги Чимкент вилояти Қорамурт қишлоғида кечган.

Ашур-Муҳаммад бепоён адирларни, уларга туташ виқорли тоғларнинг бутун гўзаллигини ҳис қилиб вояга етган.

Беш ёшлигидаёқ қўлига қалам тутиб, ҳайратини тасвирга айлантирган. Назаримда, бўлғуси ижодкор ўз рангларини ўша пайтларда топа борган. Бу ижодий жараён Тошкент маданият техникумида ўқигунча ўз ҳолича давом этган.

Профессионал таълим Ашур-Муҳаммад ижодини янада пишитди ва бойитди. Островский номидаги театр ва рассомлик институт маҳобатли рангтасвир бўлимида олган таълими, устозлари ўгитларини ижодкор бугунги ҳаётида дастурамал сифатида фойдаланмоқда.

Ашур-Муҳаммад кўп қиррали ижодкор. У яратган маторангтасвир асарлари ҳам санъатшунослар томонидан яхши баҳоланган. Лекин Ашур-Муҳаммад ўз услубини, ўз сўзини бадиий кулолчиликда топди. У лойдан ва шамотдан яратаётган шаклларда, ўзбек миллий фолклор қаҳрамонлари, ҳар воҳанинг ўзига хослигини намоён этувчи чоллар образларини кўриш мумкин. Чўғирма кийган, эшак устида ўтирган чолларда эса бир қарашдаёқ Хоразм воҳаси кишилари хусусиятларини, одатларини илғайсиз.

Умумий олганда кулол ижодидаги образларда нафислик сезилади. Улардаги ранглар ўзига хос уйғунлик яратган. Ашур-Муҳаммад ишлаган қаҳрамонларда ҳаракатлар давомийлиги кузатилади. Улардан турли хил композиция яратиш мумкин.

Образлардаги соддалик, масъумлик, сизга меҳрибонлик ила боқишини кўриб уларни эзгулик улашувчилар деб ҳам атайсиз.

Ашур-Муҳаммаднинг маҳорати шаклларнинг ҳар бир бўлагида, чизиғида кўринади.

Кулол яратган лаганлар ўзига хос композициялар билан бойитилган. Лаганлар ичига қабариқ тарзда жойлаштирилган образ ва воқеалар оригиналлиги билан ажралиб туради. Лаганларда қилқаламнинг бир-икки тортилишида вужудга келган яхлит тоза ранглар ва бир марта тортилган аниқ чизиқлардан ҳосил бўлган мукаммал композицияни кўришингиз мумкин. Бу маҳобатли рангтасвир мактабининг Ашур-Муҳаммад ижодида ўзига хос тарзда намоён бўлишидир. Чунки, ижодкорда ранглар уйғунлигини ҳис қилиш кучли, бундан у шаклларга ранг беришда ўринли фойдаланади. Аксар кулоллар ижодида безакни орнамент услубида бериш ҳолатини кузатсак, Ашур-Муҳаммад ижодида халқ амалий санъатининг анъаналаридан фарқли ўлароқ профессионал рангтасвир унсурлари ила бойитилганлигини кўрамиз. Кулол лойнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ранглар муносабатини шакллантиради. Ҳоҳ оқа яқинроқ, ҳоҳ ер рангига монанд, ҳоҳ қизғишроқ қилиб, яратаётган композициясига мослаштиради.

У характер яратиш учун ҳар бир унсурга алоҳида эътибор беради. Асарларидаги миллийликни кучайтириш учун, дейлик, чоллардаги чопонларга қалампир гулининг тасвирини туширади.

Ижодкор мавҳумлик (абстракция) услубида ҳам асарлар яратади. Улар фалсафий йўналишларда. Шундай услубда яратилган асарлардан «Севги сурури», «Сўзсизлик», «Кулол руҳи дунёси»ларни кўриш мумкин. «Севги сурури» композициясида эски чолдевор, тошлар, кўзача, олмалар, шаклларнинг умумий ғояни ифодалайди. Атрофи девор билан ўралган мўъжазгина ҳовлича бир чол турибди. Унинг боши оёғи ёнига ўрнатилган. Боши ўрнида қизил олма. Чолнинг мастлиги, хурсандчилигидан ашула айтаётгани шундоқ юзидан билинади. Пастак деворга мўъжазгина дўппи ўрнатилган. Деворнинг ёнида дарахт ва унда қизил гул очилиб турибди. Буларнинг барчаси рамзлар. Асарда умрининг кечроғида кўнглига ишқ меҳмон бўлган инсон руҳий ҳолати тасвирланади. Демак, у олдида тўкилиб ётган кўзачадаги майдан эмас, муҳаббат шаробидан сархуш. Ижодкор айтмоқчики, дунё ишқ билан гўзал. У қандай ёшда бўлишидан қатъи назар, инсон кўнглини сурурга тўлдиради. Асарнинг бадиий қиммати шундаки, уни томошабин турлича қабул қилади ва талқин этади.

«Севги сурури»

— **Ашур-Муҳаммад ака, асарларингиз халқ урф-одатларига жуда яқинлиги ва эртак қаҳрамонларига бойлиги билан ажралиб туради. Бунинг сабаби нимада?**

— Мен болалигимни кўп эслайман. Унда кечган воқеаларга кўп қайтаман. Қишлоғимиз боғ-роғларга жуда бой эди. Одамлари содда, дилкаш, қувноқ. Уларнинг ўзига яраша феъл-атвори, қизиқишлари бор. Ёзнинг узун кунларида ҳовлимизга хотин-халажлар чиқишиб, гурунг қилишарди. Улар турли афсонаю ривоятларни кўп сўйлашарди. Мен уларни тинглаб тўймасдим. Гулзора опа, Жаҳон опалар айтган эртаклар мени сеҳрлаб қўярди. Гоҳида ўзим эртак қаҳрамонларига айлангим келарди. Нимаики яратсам, ўша хотиралар асосида юзага келади.

— **Асарларингизни кузатиб, улар ҳақида гапиришингизни кўриб характерингизда боланикнинг ўзига хос олами сақланиб қолганини сездим. Бу ижодий жараёнга ҳам таъсир кўрсатадими?**

— Албатта. Мен лой билан ишлаётганимда бу оламни унутаман. Ҳамма ташвиш, муаммолар ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолади. Мен худди ўзим билан ўйнаётгандек, бирор масъулият ҳис қилмасдан яратаман. Ўйинчоқ ўйнаётган болага айланиб қоламан. Умуман болалар билан ишлашни яхши кўраман. Уларнинг олами самимий, беғубор.

Институтдан кейин мен Гулистон шаҳрида «А-Диёр» болалар ижодий студиясини очганман. Эҳҳе, шогирдларим билан анча ишлар қилганман. Жуда кўплаб кўргазмалар ташкил қилганмиз. Уларнинг ютуқларидан ўзим боладек қувонаман. Шогирдларимдан Темур Собитов 12 ёшгача бўлган болалар орасида Тайванда ўтказилган бутунжаҳон болалар ижодий кўргазмасида қатнашиб, юқори баҳога сазовор бўлган. Мен болаларда аввало меҳнатга муҳаббатни уйғотаман. Чунки кулолчиликнинг ўзига хос заҳматлари бор. Болалар билан ясаган шаклларимизни Болалар уйига хайрия қилардик. Шогирдларим юрагида меҳр, одамларга нисбатан ғамхўрлик бўлишини истайман ва шунга ҳаракат қиламан.



«Кулол руҳи дунёси»

— **Асарларингизда бедана, тўрқовоқ унсурлари кўплаб учрайди. Бу бирор нарса билан боғлиқми?**

— Қишлоғимизда Қудрат бобо деган бир чол бор эди. Бу кишининг ҳовлисида ўнлаб тўрқовоқлар осилиб турар эди. Беданаларнинг сайрашини бутун қишлоқ эшитарди. Мен доим Қудрат бобога эргашиб, бедана боқишига қарашардим. Бобом ўзининг бошидан кечирганлари ҳақида гапиришни яхши кўрарди. Ҳаёт ҳақиқатларини илк бора шу одамдан ўрганганман. Мен уларнинг хотирасини жуда ҳурматлайман. «Беданабоз чол ва невара» композициямда айнан бобом образини берганман. Ниятим бутун ижодий фаолиятим давомида кўплаб уларга бағишлаб асарлар яратиш.

— **Ашур-Муҳаммад ака, сиз ўзингизни Ҳамробибининг шогирди ҳисоблайсиз. Машҳур кулол аёл — Ҳамробиби анъаналари сизнинг ижодингизда ўз давомини топган. Шу аёл ҳақида гапирсангиз?**

— Мен Ҳамробиби ҳақида 1965 йилда чиққан эски бир журналдаги мақолада ўқиганман. Рус санъатшуноси Г. Блинов томонидан Ҳамробиби ижоди ҳақида жуда юқори баҳо берилган эди бу мақолада. Шундан кейин қизиқиб қолдим. У киши ҳақида маълумотлар тўплай бошладим.

Бир куни Ҳамробиби тушимга кирди. Кенггина ҳовли. Ўртасида бир аёл лойдан ҳуштак ясаяпти. Мени ҳам ёнига чорлади.

«Беданавозлар»

Мен улар билан ўтириб ҳуштак ясай бошладим. Биз сўзсиз мулоқотга киришдик. Руҳимиз унсиз сўйлашишди. Уйқудан уйғониб, тезда тушимда ясаган шаклларни ясашга киришдим. Ишонасизми, худди ўшаларнинг ўзи. Мен ўша тушимни соғинаман. Ҳамробиби менга маънавий устоз. Ҳамробиби шу йил ҳаёт бўлганларида 100 ёшга тўлар эдилар. Мен у кишининг шогирди Кубаро биби билан жуда кўп мулоқотда бўламан. Ҳамробиби ҳақида жуда кўп воқеаларни шу аёлдан эшитганман.

— **Ашур-Муҳаммад ака, мароқли суҳбатингиз учун раҳмат. Сиз яратган асарлар халқимизнинг миллий меросига айлансин.**

Дилфуза КАМОЛ

КИМЁ ВА БЎРЁ

Ўзи ўтиб, сўзи қолганлар

Фарғона водийси, Андижон маданий муҳити вакилларидан Ҳабибий, Маҳжурий, Абдул-Аҳад Анисий, Имодиддин Улфат, Амонилло Валихон-Боқир, Абдуваҳоб Сайфий, Абдулҳамид Ҳуррам, Ҳузурий ижодда ҳам, ҳаётда ҳам ватанга, элга, дўстларга вафоли, садоқатли, ёшларга донишманд устоз эдилар. Бу азиз инсонлар пок иймон шартларидан бўлмиш камтаринликда, илм-маърифатга чанқоқликда ҳам бошқаларга намуна эдилар. Шоир ва драматург Собир Абдулла доимо Андижонга борганларида бу дўстларини албатта зиёрат қилиб, суҳбатларига етишиб, кўнгли ёришар эди. Ўз навбатида бу азиз инсонлар пойтахтга келганларида устоз Ғафур Ғулом, Боқий домла, Мунирхон Муинзода, Собир Абдулла, Воҳид Абдулло, Азизхон Қаюмов, Чархий каби устоз ва дўстларни кўрмасдан кетмас эдилар. Бу маърифат аҳлининг ўзлари каби камтарин ва донишмандона ижодлари авжи яшнаган пайтларида биз, эндигина қалам тебратиб, уч-тўрт нарсаларимиз эл назарига тушган пайтларимиз эди. Биз бу устозлардан мумтоз адабиётимизни, Атоий, Лутфий, Навоийни севишни, ватанга вафо ва садоқат одамлик, мардлик намунаси эди.

Вафоли одам яна шоир айтганидек:

Яшнар мудом қалби
муҳаббатнинг завқида,
Доим ҳалол меҳнатини
муддао қилур.

Яъни, ватанига муҳаббатли, вафодор одам эл, юрт учун ҳалол меҳнат қилишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Бу эса, ҳозир ватанимиз Президенти айтганидек, элим, юртим, ёру диёрим, ўзим учун ишлаш, ватанимиз мустақиллиги учун ишлаш, ватанимиз ободлиги учун ишлаш, ватанимиз ободлиги учун ишлаш, ватанимиз ободл